БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 287 (18.465). • Пайшанба, 1982 йил 16 декабрь • Баҳоси 3 тийин.

ЗАФАРЛАРИМИЗ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

БУЮК ИТТИФОҚ

МАМЛАКАТИМИЗ халқлари, бутун прогрессив инсоният халқлар тақдири ва ҳаётида олтин саҳифа очган шонли воқеа — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида турибдилар. СССРнинг 60 йиллиги — совет халқи ҳаётидаги шонли воқеа, КПСС ленинча миллий сиёсати ғалабаснинг, социализм тарихий ютуқларининг далилидир. Мана шу шонли йилликда мамлакатимиз бутун дунёнинг кўз ўнгида биргаликда коммунизм барпо этаётган тенг ҳуқукли республикаларнинг ақил оиласи сифатида намоён бўлди. Халқимиз бу шонли байрамни коммунистик бунёдкорликнинг партия XXVI съезди ишлаб чиққан режаларини астойдил, ижодий меҳнат билан амалга ошира бориб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

«ССР Иттифоқининг бунёдга келиши, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида, — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг натижасидир. Октябрь ижтимоий ва миллий зулм кишанларини парчалаб, мамлакатимизнинг барча халқларини мустақил тарихий ижод сари отлантирди. Ишчилар синфи ҳокимияти ўрнатилганлиги, ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулкка айлантирилганлиги барча миллатлар ва элатларнинг эркин ривожланиши, уларнинг қалин бирлиги ва дўстлигининг мустаҳкам пойдеворига айланди».

Кўпмиллатли совет социалистик давлатининг вужудга келиши Владимир Ильич Ленининнинг азиз номи билан чамбарчас боғлангандир. Доҳиймиз ягона Иттифоқ давлатини тузиш режасини илгари сурди. Бу режани бутун халқ яқдил қўллаб-қувватлади. Бундан олтмиш йил муқаддам бўлиб ўтган Советларнинг Бутуниттифоқ Биринчи съезди делегатлари мамлакатимиз халқларининг иродасини ифода этиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини ташкил этиш ҳақидаги Декларация ва Шартномани яқдиллик билан қабул қилдилар.

Тарихан жуда қисқа муддат — олтмиш йил мобайнида бизнинг метиндек мустаҳкам буюк Иттифоқимиз ижтимоий тараққиётнинг барча ҳал қилувчи йўналишларида оламшумул муваффақиятларга эришди. Мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг монолит бирлиги ва жипслиги мужассам топиб, кўп миллатли давлат шаронтида миллий масалани ҳал этишнинг намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Тенглар ичида тенги бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси халқларининг ленинча дўстлиги қуёши остида гуллаб-яшнамоқда, камол топмоқда. Шу қутлуғ айём арафасида республикамиз аҳолиси ўн саккизинчи миллион ҳисоби билан санала бошланди. Улар 120 дан зиёд миллат ва элатга мансуб кишилардир.

Ўзбекистоннинг революциягача бўлган манзарасини бир кўз олдимизга келтирайлик. Туркистон чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси бўлиб, аҳолисининг қариб 90 проценти қишлоқ хўжалиги билан шуғулланарди. Меҳнаткаш оммa шафқатсиз эксплуатация тизгинида мислсиз муҳтожликда яшарди. Очлик ва қашшоқлик, жаҳолат ва касаллик, ҳуқуқсизлик, истибдод авжига минган эди. Оддий меҳнаткаш қисмати ана шундай эди.

Улуғ Октябрь қуёши собиқ ярим мустамлака ўлка ҳаётида ёркин саҳифалар очди. Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам қисқа муддат ичида халқ хўжалиги социалистик тарзда қайта бунёд этилди, ер-сув ислоҳоти ўтказилди, эски мактаблар барҳам топди, хотин-қизларни таҳқирловчи шариат қонунлари бекор қилинди.

Ленинчи миллий сиёсат республикамиз экономикаси ва маданиятининг ҳамма соҳалари тез ва ҳар томонлама юксалишига олиб келди. Барча совет халқлари, аввало улуғ рус халқининг қардошларча ёрдамида қудратли саноат, кўп тармоқли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, замонавий капитал қурилиши вужудга келтирилди.

Революциягача республиканинг бутун территориясида 17 мингга яқин ишчиси бўлган 425 ярим кустар хонадаги корхоналар бор эди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 1600 дан зиёд йирик корхона, 189 саноат тармоғи бўлиб, ишчилар синфи сапкам 3 миллион кишига боради. Химия, кўп тармоқли машинасозлик, энергетика, кўмир, газ, кон-руда, металлургия, олтин қазиш, электротехника саноати, енгил саноат, ва саноатнинг бошқа тармоқлари гуркираб ривожланмоқда. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 220 баравар ўсганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ун биринчи беш йиллик коммунистик қурилишда муҳим босқич бўлиб қолиши йўлида халқимиз фидокорона меҳнат қилмоқда. Дарҳақиқат, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши меҳнаткашлари 1982 йил, умуман беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш юзасидан авж олиб кетган умумхалқ мусобақасининг олдинги сафларида бормоқдалар. Марди майдон ишчилар синфимиз гвардиячилари орасида юбилейгача беш йиллик планни бажариб, беш йиллик охиригача ўн йиллик миқдорида норма бажаришга аҳд қилган фидокорлар озмунчами!! Олтин қўлли пахтакорларимизнинг мислсиз жасорати ҳар қандай таърифдан ҳам юқоридир. Улар уч йилдан буён сурункасига 6 миллион тонналик хирмон кўтариб, Ватан бойлигини тобора оширмоқдалар. Мислсиз машаккатларни енгиб, бу йил 6 миллион тоннадан зиёд ялпи хирмон кўтарганликлари учун партиямиз штаби — КПСС Марказий Комитетининг табрикономасини олдилар. Республикамизда Озиқ-овқат программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Дон, мева, сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди.

Илм-фан янги юксакликларга кўтарилди. В. И. Ленин имзолаган Декретга биноан ташкил этилган Тошкент давлат университети республикамиз илм-фанининг байроқдори ҳисобланади. Ҳозирги вақтда 43 олий ўқув юртида 437 ихтисос бўйича ярим миллиондан кўпроқ киши ўқимоқда. Ҳар 10 минг киши ҳисобига студентлар миқдори жиҳатидан республикамиз Англия, Франция, Япония, Канада, ГФР сингари Ғарбнинг энг тараққий этган мамлакатларидан ҳам ўзиб кетди. Ўзбекистон Совет Шарқининг энг йирик илмий марказ бўлиб қолди. 200 дан кўпроқ илмий муассасада 36 мингта илмий ходим, шу жумладан мингга яқин фан доктори ва 13 минг фан кандидати самарали меҳнат қилмоқда.

Улуғ Октябрь туфайли ўзбек совет адабиёти, тасвирий санъати, театр ва музикаси шаклланиб, камол топди. Аҳоли ёппасига саводхон бўлди. 7 мингта оммавий кутубхоналарда 60 миллиондан кўпроқ асар тўпланган бўлиб, улардан 8 миллиондан зиёд китобхон баҳраманд бўлмоқда.

Шарқнинг муаззам юлдузи бўлиб порлаётган Тошкентимиз кун сайин жамол очмоқда. Тошкент муҳим халқаро учрашувлар ва музокаралар олиб бориладиган қутлуғ шаҳарга айланди. Бу ерда Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари ёзувчиларининг конференциялари ва кинофестиваллар, халқаро илмий анжуманлар, симпозиумлар мунтазам ўтказилиб турибди. Шаҳримиз келгуси йилнинг олтин кузида ўзининг 2 минг йиллигини нишонлайди. Кўҳна, ҳамиша навқирон Тошкент Совет Иттифоқидаги барча республикалар, қаҳрамон шаҳарлар, Москва ва Ленинград меҳнаткашларининг сидқидилдан берган интернационал ёрдами туфайли ўзининг иккинчи ёшлигини бошидан кечирмоқда.

Биз халқлар дўстлигининг ақил оиласида коммунизмнинг муҳташам биносини бунёд этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз. СССР халқларининг ленинча буюк дўстлиги ва шонли Коммунистик партиямизнинг раҳнамолиги бунинг мустаҳкам гаровидир.

Замондошларимиз ДАРҒА

Кегайли районидаги Энгельс номли совхознинг илғор бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Абдували Қудайберганов номини хўжаликда ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Бундай ҳурмат-эътиборга у ўзининг ҳалол меҳнати билан эришди. Абдували бошлиқ бригада коллективи об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар етиштирилаётган пахта ҳосилдорлиги ва сифатини йил сайин оширишга муваффақ бўлмоқда.

— Агар ҳосилдорлик пасайиб кетгудай бўлса, баъзилар кўпинча айбни об-ҳавога тўнкашади. — дейди бригада сардори. Тўғри, табиат ноқулайликлари ҳосилга қандайдир зарар етказиши мумкин. Аммо пахтакор ўз ишига доимо танқидий кўз билан қараши лозим. Барча резервлар ишга солиндими! Керак пайтда хатога йўл қўйилмадими! Қилинган ишлар таҳлил қилингида кўпгина камчиликлар кўзга ташланади. Буларни кейинги ишларда такрорланмаслигини таъминлай олган кишигина доимо ҳосилдорликни оширишга эришаверади.

Дарҳақиқат, кўп йиллик тажриба асосида омилкорлик билан иш тутган А. Қудайберганов етакчилигидаги бригада аъзолари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириб уни ўз вақтида териб олдилар. Қабул пунктларига 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан зиёд юқори сифатли «оқ олтин» топширилди. Ялпи ҳосилнинг 200 тоннадан кўпроғини бригада дарғаси ўз агрегати бункеридан тўкди.

Кузги-қишки ишларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши мўл ҳосил гарови эканлигини бригада заршунослари яхши билишади. Шу туфайли улар айни кунларда далаларга ўғит чиқариш ва шудгорлашни қизғин олиб боришмоқда.

Суратда: А. Қудайберганов.
А. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси шу йил 17 декабрь куни соат 15 да В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида очилади.

МУКОФОТ ИЛҲОМЛАНТИРАДИ

«Главташкентстрой»нинг Тошкентдаги «Ҳурмат белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинатининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини ишлаб чиқаришда юксак муваффақиятлар билан нишонладилар. Уларнинг зарбдорларча ишлари туфайли 333 минг квадрат метр уй-жой биноларини барпо этиш учун бинокорлик конструкциялари ишлаб чиқарилиши таъминланди. Бу плондагидан анча кўпдир. Бошқа кўпгина кўрсаткичлар юзасидан ҳам топшириқлар ошириб бажарилди. Коллектив СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. У СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади.

15 декабрь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев комбинатга юксак мукофотни топширди.

Тантанали митинг қатнашчилари ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматга астойдил миннатдорчилик изҳор қилдилар. Улар уйсозлар барча мавжуд резервларни ишга соладилар, республика пойтахтининг уй-жой фондини кенгайтириш, барпо этилаётган объектларнинг таннархини арзонлаштириш, қурилиш-суръатларини жадаллаштириш ва иш сифатини яхшилаш борасида яна ҳам зўр куч-ғайрат билан ишлайдилар деб ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ РАПОРТИ

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларидан илҳомланган Хоразм области чорвадорлари КПСС XXVI съездининг тарихий режаларини, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, шонли юбилей — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, гўшт ва сут тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга 9600 тоннадан зиёд ёки ўтган йилдагига қараганда 16 процент кўп гўшт сотилди. 44 минг тоннадан ортиқ сут топширилди. Бу ўтган йилдагидан 8 процент кўпдир.

Янгариқ, Боғот, Хива, Гурлан ва Қўшкўпир районларининг чорвадорлари бу меҳнат ғалабасига катта ҳисса қўшдилар. Урганч районидаги Охунбобоев номли, Ленин номли, Хива районидаги Ленин номли, Фрунзе номли, Боғот районидаги Нариманов номли, Хонқа районидаги Охунбобоев номли, Хазорасп районидаги Карл Маркс номли, Қўшкўпир районидаги «Ленинград», Янгариқ районидаги Киров номли, Шовот районидаги «Ленинград», Гурлан районидаги «Коммунизм», Янгибозор районидаги Куйбишев номли колхозлар фермаларининг коллективлари давлатга маҳсулот сотиш йиллик планларининг анча ошириб бажарилишини таъминлаб, чорвачилик маҳсулотини кўпайтиришда юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Чорвачилик маҳсулоти тайёрлаш давом этмоқда. Область чорвадорлари социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб, қишловни муваффақиятли ўтказишга яхши ҳозирлик кўрмоқдалар, мамлакат Озиқ-овқат программасини ҳал этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш, социалистик мажбуриятларни бажариш учун маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини оширмоқдалар.

ХАЛҚЛАРНИНГ ЛЕНИНЧА ДЎСТЛИГИ БАЙРАМИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини коммунистик қурилишда бутун мамлакат билан биргаликда салмоқли ютуқларга эришган ҳолда кутиб олмоқда. Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг қаҳрамонона меҳнати, партия ва совет ташкилотларининг жуда катта ташкилотчилик ишлари олиб борганлиги, Советлар мамлакати қардош халқларининг бебаҳо ёрдами ва мадади натижасида улар байрамни зўр муваффақиятлар билан нишонламоқдалар.

Шонли санага бағишланиб ўтказилган тантанали мажлисларда республика, ҳар бир район, шаҳар ва посёлка экономикаси ва маданияти равнақ топаётганлигидан далолат берувчи фактлар келтирилди. Шундай тантанали мажлислар Нукус, Бухоро, Карши ва Гулистонда бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойпов, Сирдарё область партия комитетининг секретари М. Умбетов доклад қилдилар.

Тантанали мажлисларнинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига табриклар қабул қилдилар. Табрикномаларда шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, деб ваъда бердилар.

* * *

Қорақалпоғистон область партия комитети ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг тантанали мажлисида автоном республикага КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Автоном республика СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги ҳамда иқтисодий ва социал ривожланиш Давлат планини муваффақиятли бажарганлиги учун ана шу мукофотга сазовор бўлди. Байроқни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов топширди.

(ЎзТАГ).

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗЯПСИЗ?

ЖИДДИЙ СИНОВ

ДОНГДОР БОШ ЧЎПОНЛАР — ҚОДИРМУРОД ҚОРАБЕКОВ ВА АМИРАЛИ ЭШБОЕВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИЛАР

Қўйчилик чорвачиликнинг кенг тарқалган, кўп ва юқори сифатли маҳсулотлар берадиган тармоғидир. Юбилей йилида бизлар хизмат қилаётган совхозларнинг коллективлари совлиқлардан эгиз қўзи олиш, туёқ сонини кўпайтириш, давлатга маҳсулотлар топширишда яхши кўрсатичларга эришди. Ҳар бош совлиқ ҳисобига биттадан қўзининг ўстиришга қолдирилиши, қоракўл тери, гўшт, жун ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш планлари ҳамда мажбуриятларнинг ортиғи билан бажарилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Совхозларимизда қўй-қўзиларнинг қишлови учун етарли миқдорда озуқа жамғарилди. Қўйхоналар вақтида сифатли ремонт қилинди. Қишловнинг ўтказилиши устидан назорат олиб борувчи комиссиялар тузилди. Чорвадорлар, уларнинг онла аъзолари ҳақида мунтазам ғамхўрлик қилиняпти. Бир сўз билан айтганда, хўжаликларимиз коллективлари чорва қишловини ташкилий жиҳатдан пухта ҳозирлик билан кутиб олдилар.

Биз чўпонлар, ёрдамчи чўпонларнинг мақсадимиз ва ниятимиз битта — у ҳам бўлса, қишловни бехатар ўтказамиз, бирор бош қўй ёки қўзининг чиқимга чиқишига йўл қўймаймиз, барча қўйлар, тўқлиларнинг яхши семизликда бўлишини таъминлаймиз. Айни вақтда бўғоз совлиқлар парваришига алоҳида эътибор берамиз, жамғарилган ем-хашакдан оқилона фойдаланиб, ихрофгарчиликка мутлақо йўл қўймаймиз. Шундай қилиб, чорва молларкинг хаммасини, шу жумладан қўйлар, тўқлилар, қўзиларни қишловдан соғлом олиб чиқиб, 1983 йилда тўёқ сони ва маҳсулотлар етиштиришни қўпайтиришга мустаҳкам замин яратамиз.

Шуни ҳам айтмоқчимизки, совхозларимизда бизлар билан бир сафда туриб хизмат қилаётган бўлим бошқарувчилари, ферма мудирлари, бош чўпонлар ва уларнинг ёрдамчилари, мутахассислар, ем-хашак тайёрлаш бригадаларининг аъзолари, қўйингчи, ҳамма ўз зиммасига конкрет мажбуриятлар қабул қилди ва қизғин иш олиб бормоқда.

Кейинги ҳафталарда рўй берган табиат ўжарликлари режаларимизга жиддий ўзгаришлар киритишни тақозо этди. Гап шундаки, бу йил қиш барвақт бошланди, совуқ эрта тушди. Бу ҳам етмагандек, устма-уст ёмғир-қор ёғди. Чорвадорлар, айниқса яйловларда хизмат қилаётган бош чўпонлар, уларнинг ёрдамчилари қутилмаган қийинчиликларга дуч келдилар. Бир мисол. Совхозларимиз территорияларидаги ўтлоқ яйловларда қорнинг қалинлиги деярли ярим метрга етди. Сув музлади. Транспорт қатнови қийинлашди.

Лекин ҳеч биримиз саросимага тушганимиз йўқ. Сабаби, қишни юмшоқ келади деб эмас, балки қаттиқ келади деб қишловга тайёргарлик кўрганмиз. Шунинг учун ҳам ҳеч қандай кўнгилсиз воқеалар содир бўлмади. Совхозларимизнинг барча коллективлари, ёғинсочинли ва қаттиқ совуқли кунларда бизларга ёрдамга келди. Табиатнинг дастлабки ўжарликларидан муваффақиятли ўтдик.

Бироқ, қишлов эндигина бошланди. Табиатнинг ҳали қанчадан-қанча найранглари бор. Режани шунга қараб олмоғимиз, ем-хашакни шунга қараб расамадлаб чиқмоғимиз, майдалаб аралаш озуқалар тайёрлаб қўймоғимиз лозим. Биз бу борада ўз отарларимизда нималар қилинаётганлиги ҳақида қисқача сўзлаб ўтмоқчимиз.

Бизларнинг отарларимизда 650—700 бошдан кўй бор. Биз ҳар бош қўйнинг қишлови учун ўртача 2 центнердан хашак, етарли миқдорда ширали озуқа ва концентрат тайёрлаб қўйганмиз. Бу ем-хашаклар даҳлсиз бўлиб, бош чўпоннинг рухсатисиз ҳеч ким унга қўл ура олмайди. Ундан ташқари қўйларга едириш учун анчагина ош тузи, суяк уни, ҳар хил дармон дорилар ҳам бор. Биз республикамизнинг барча қўйчилик фермалари ва отарларида ишни шундай ташкил қилиш керак деб ҳисоблаймиз.

Халқимизда «Қўлдан берганга қуш тўймайди» деган нақл бор. Ем-хашак нечоғли кўп бўлмасин, қўйларни об-ҳаво қулай келган пайтларда яйловларда ўтлатилмаса ҳеч натижага эришиб бўлмайди. Демоқчимизки, қўйлар кундуз кунлари ҳам, кечалари ҳам яйловларда ўтлатилиши, тунликка қўшимча озуқа берилиши, бўғоз совлиқларни боқиш алоҳида назорат остига олиниши керак. Қаттиқ совуқли, ёғин-сочинли пайтларда эса қўйлар ва қўзилар фақат усти ёпиқ бостирмалар, кошорларда асралиши лозим.

Ҳар тўкисда бир нуқсон деганларидек, кўп қўйлар орасида оз миқдорда бўлсада нисбатан орқа, чимхўр, касалликка чалинган қўйлар ҳам баъзан учраб туради. Бундай қўйлар ветеринария кўригидан ўтказилиб, озуқа рационн ўзгартирилиши, касалланган қўйлар эса дарҳол алоҳида ажратилиб даволаниши зарур. Қўйларнинг чиқимга чиқишининг олдини олиш— туёқ сонини, демакким, маҳсулдорлигини кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Буни унутмаслик керак.

Совлиқларнинг бир қисми қиш фаслида ҳам қўзилайди. Шундай ҳолларда саросимага тушиб қолмаслик учун олдиндан иссиқ қўзихоналар, тўймли ва ширали озуқалар тайёрлаб қўйишимиз зарур.

Қиш фаслида қўйлар, тўқлилар, янги туғилган қўзиларни мунтазам сугориб туриш муҳим вазифадир. Афсуски, бўғоз совлиқлар ёки янги туғилган қўзилар совуқ сувни мириқиб ичолмайди. Шундай кезларда сувни илитиб ичириш даркор.

Қўйлар, хусусан бўғоз совлиқларга музлаган хашаклар едирилса касалликка чалиниб бола ташлайди. Бунга йўл қўймаслик учун озуқани олдиндан тайёрлаб, мутахассислар иштирокида қўй-қўзиларга тарқатишимиз керак.

Қишлов — чорвадорлар учун катта синов. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишласак, дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни мардлик билан енгсак, чорва қишловини аъло даражада ўтказишимиз мумкин ва лозим. Барча районлар, колхозлар, совхозлар, бўлимлар, фермалар, отарларда шунга эришайлик! Чорвадорлик номини ҳалол меҳнат билан шарафлайлик!

Қодирмурод ҚОРАБЕКОВ,
Томди районидаги «Прогресс» совхозининг бош чўпони, СССР Давлат мукофоти лауреати.
Амирали ЭШБОЕВ,
Деҳконобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

АДИБ ХОТИРАСИ

Совет Ўзбекистони адабиётининг қарор топиши ва ривожланиши тарихи ажойиб романнавис, тарихчи, таржимон — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сергей Петрович Бородин номи билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг кўпгина тилларга таржима қилинган асарлари миллионлаб китобхонларнинг таҳсини ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Шу кунларда С. П. Бородин саксон ёшга тўлган бўлур эди. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрида 15 декабрь куни бўлиб ўтган тантанали кеча ёзувчи юбилейига бағишланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси К. Яшин, адабиёт ва санъатнинг бошқа таниқли арбоблари ўз китобларида тарихнинг бош ижодкори— халқнинг ҳал қилувчи ролини ёрқин кўрсатиб берган С. П. Бородин ижодининг катта аҳамияти тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар ёзувчининг тарихий романлари ўз руҳига кўра ғоят замонавий бўлиб, давримиз воқеалари билан ҳамиша ҳамоҳанг эканлигини таъкидладилар.

С. П. Бородининг ўзбек авторлари кўпгина асарларини рус тилига таржима қилган моҳир таржимон сифатидаги хизматлари қайд этиб ўтилди.

Кеча охирида Ўзбекистон санъат усталари концерт қўйиб бердилар. (ЎзТАГ).

ЕРЛАР УНУМДОР БЎЛСИН

15 декабрь куни Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган регионал кенгашда Ўрта Осиё экин майдонларининг минерал ўғитга бўлган эҳтиёжларини узоқ муддатли прогноз қилиш масалалари муҳокама қилинди. Кенгашда Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистондан республика ва область «Сельхозтехника» бирлашмаларининг раислари, агрохимия хизмати бошқармаларининг бошлиқлари, химия лабораторияларининг мудирлари, агрохимик олимлар, тупроқшунослар қатнашдилар.

Кенгашда Бутуниттифоқ «Союзсельхозхимия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси В. П. Никонов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ МУЛКИНИ ЁНҒИНДАН САҚЛАЙЛИК

15 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган республика илмий амалий конференциясида халқ хўжалигининг лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ва амалдаги объектларини ёнғиндан ҳимоя қилишни такомиллаштириш йўллари муҳокама қилинди. Лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларининг мутахассислари, ўт ўчириш командалари ходимлари ёнғиннинг олдини олиш, замонавий автоматика сигнал воситаларини кенг жорий этиш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

СССР 60

СОВЕТ ШАРҚИ ВА СССРнинг ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги Ватанимиз халқлари бузилмас социалистик қардошлигининг, инсоннят тарихидаги энг кескин масала — миллий масалани ажойиб тарада ҳал этишнинг ёрқин мисолидир.

Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки кунларданоқ В. И. Ленининг социал ва миллий зулмдан халос бўлган халқлар катта ва илғор миллатлар билан, биринчи навбатда рус халқи билан иттифоқца интиладилар, деган буюк башорати рўёбга чиқа бошлади. «... Мен,—қатъий ишонаманки, — деб ёзган эди Владимир Ильич, — озод миллатларнинг турли-туман айрим федерациялари революцион Россия атрофида тобора кўпроқ уюша боради. Бу федерация ёлғончиликсиз, зўрликсиз, батамом ихтиёрий суръатда ўса боради ва федерация енгилмайди».

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси Совет Шарқи халқларини миллий ва социал зулмдан бутунлай озод қилди. Натижада Совет Шарқи халқларининг рус халқи ва Ватанимизда яшовчи бошқа қардош халқлар билан иттифоқ туғиши учун кенг имконият туғилди. Ўлка халқларининг бу ҳаракатига Совет ҳокимиятининг Россияда яшовчи барча халқлар ва элатлар тенглиги ва суверенитетини эълон қилган миллий масаланинг дастлабки актлари яқиндан ёрдам берди. Бу ҳол миллатлараро бирликка мустаҳкам асос яратди.

Шуни айтиш керакки, совет халқларининг бир-бирлари билан яқиндан бирлашув ҳаракати йўлида контрреволюцион буржуа-миллатчилик партияларидан иборат катта тўсиқ пайдо бўлиб, бу нучлар мамлакатни миллий буржуа давлатларига бўлиб юборишга уриниб кўрдилар. Советларга қарши қураш ва меҳнаткашларни миллатига қараб бўлиб юбориш ҳаракатида халққа қарши буржуа-миллатчи ташкилотлар, чунончи, Украинада Марказий «Рада» ва «Директория», Грузияда меньшевиклар ҳукумати, Озарбайжонда мусаватчилар, Арманистонда дашнақлар, Татаристонда Миллий Шўро, Қозоғистонда Алаш-Ўрда, Туркистонда Қўқон мухторияти, Дон, Кубань область ҳукуматлари ва шу сингарилар бир-бири билан жипслашди.

Чет эл интервентлари билан тил бириктирган буржуа миллатчиларининг бу хатти-ҳаракатларига қарши халқларнинг қудратли бирлашув ҳаракати тобора авж олди. Революция душманларининг ҳарбий иттифоқига қарши Совет республикалари ўзларининг буюк иттифокини тузадилар. Гражданлар урушининг оғир шароитида Украинанинг Муваққат Ишчи-деҳқонлар ҳукумати 1919 йил 26 январь Декларациясида бундай деб эълон қилди: **«Биз Совет Россияси душманларини Совет Украинасининг душманлари деб биламиз. Бизнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий вазифаларимиз бир хилдир».** Украина Советларининг Марказий Ижроия Комитети Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетига мурожаат қилиб, умумий душманга қарши ягона ҳаракатни ташкил этишни таклиф қилди. Бошқа Совет республикалари ҳам Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетига худди шундай илтимос билан мурожаат қилдилар. В. И. Ленин 1919 йил май ойида ҳарбий бирлик тўғрисида Марказий Комитетнинг директивалари лойиҳаси»ни ишлаб чиқди ва у Марказий Комитет томонидан қабул қилинди.

Совет республикаларининг жипслашиш ҳаракатида Совет Шарқи халқлари ҳам актив қатнашдилар. Бу халқларнинг кўпгина вакиллари руслар ва Россияда яшовчи бошқа халқлар ишчи ва деҳқонлари билан елкама-елка туриб, Қизил Армия сафларида революция ғалабаларини ҳимоя қилдилар. Чунончи, Ўрта Осиёда Туркистон фронти қўшинларида маҳаллий миллат вакилларидан бир неча ўн минг жангчилар умумий душманга қарши қураш олиб бордилар. Шунингдек, 1-қозоқ совет полки, 1 Хоразм ўзбек отлиқлар полки, 1 алоҳида шарқий Бухоро полки, алоҳида таранчи (уйғур) отлиқлар полки, 2-турк бригадаси ва бошқалар ўлкамизда босмачилик ҳаракатини батамом тугатдилар. Шунингдек, туркистонликлар, масалан, чех интернационалисти Э. Ф. Кужелло қўмондонлигидаги 1-отлиқ бригада жангчилари ҳам қардош Украина диёрида махночилар ва бошқа ғалаларга қарши қаҳрамонларча курашдилар. Ёт тисувда қозоқ йигитлари рус оғалари билан ёнма-ён туриб, оқ гвардиячилар ва алашўрдачиларга қарши афсонавий «Черкас мудофаси»да қатнашдилар.

Шимолий Кавказда ва Закавказьеда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун бўлган жангларда В. И. Ленин номидаги арман коммунистик полки фидокорона курашди Озарбайжон Компартияси даъвати билан Биринчи Боку коммунистик батальони Польша фронтида душманга қарши мардларча жанг қилди.

Барча миллат ва элатлар халқ оммасини революция ғалабаларини ҳимоя қилиш учун маҳкам жипслаштиришда ишчилар синфи ҳал қилувчи куч бўлди. Ишчилар синфи айни вақтда интернационал ишчи-деҳқон Қизил Армиясининг ўзагини ташкил этди. Ишчилар синфининг гражданлар уруши йилларида кўрсатган жанговар хизматлари учун мамлакатимиз турли районларининг пролетар марказлари бўлмиш 6 та шаҳар, шу жумладан Грозний ва Тошкент шаҳарлари Қизил Байроқ ордени билан мукофотландилар.

Совет республикаларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқи ўзини тўла оқлади. У душман устидан ғалабани таъминлаб, ғина қолмай, тинч даврда барча миллат ва элат меҳнаткашларини янада интернационал жипслаштириш учун қулай шароит ҳам яратди. Социалистик қурилишга ўтиш даврида Совет Шарқи республикаларининг РСФСР билан иттифоқ тузиш ҳаракати кучайди. Чунки Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси кўпмиллатли Совет давлатини барпо этиш йўлида, барча халқларни жипслаштирувчи куч бўлиб майдонга чиққан эди. 1920 йилда РСФСРнинг бошқа мустақил Совет республикалари билан шартнома тузганлиги бунинг ёрқин ифодаси бўлди. 1920 йилнинг 13 сентябрида РСФСР ва Хоразм Халқ Совет Республикаси ўртасида Иттифоқ шартномаси, ўша йилнинг 30 сентябрида РСФСР ва Озарбайжон ССР ўртасида ҳарбий-иқтисодий шартнома. 2 декабрда РСФСР ва Арманистон ССР ўртасида ҳарбий-сиёсий Иттифоқ тўғрисида битим. 4-мартда РСФСР ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ўртасида Иттифоқ шартномаси тузилди. Бу шартнома ва битимларнинг моҳияти халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи асосида республикаларнинг тенг ҳуқуқлилигини, Совет Шарқи республикаларининг революцион Россия билан қардошларча ҳамкорлигини эътироф этишдан, тинчликни сақлаб қолиш ва халқ хўжалигини қайта тиклаш учун ҳарбий ва хўжалик куч-ғайратни бирлаштиришдан иборат бўлди. РСФСР Совет республикаларини ўз атрофига жипслаштириш билан уларга ҳарбий-сиёсий, дипломатик ва хўжалик ёрдами кўрсатди. РСФСР билан бирдамликнинг аҳамияти тўғрисида Бухоро Халқ Нозирлар Советининг раиси Файзулла Хўжаев бундай деган эди: **«Биз Совет Россияси билан бирдам эканмиз, босмачилардан қўрқмаймиз, биз қўшни давлатларнинг ёвуз ниятларидан қўрқмаймиз. Бу дўстлик бор экан, ғалаба Бухоронинг меҳнаткаш халқи томонида».**

Халқаро ва ички вазият мураккаблашган шароитда Совет республикаларининг РСФСР бошчилигида 1922 йилда ўзларининг ҳарбий-сиёсий иттифоқини дипломатик иттифоқ билан тўлдирдилар. Бу ҳол уларга Генуядаги халқаро конференцияда империалистик давлатларнинг янги ҳуружини даф этиш имконини берди. 1922 йилнинг 22 февралида Москвада РСФСР ва саккиз Совет республикаси, жумладан Озарбайжон, Арманистон, Грузия, БХСР, ХХСР-нинг ваколатли вакиллари Генуя конференциясида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини РСФСРга бериш тўғрисидаги протоколни имзоладилар. Протокол имзоланганч, Бутуниттифоқ халқ оқсоқоли М. И. Калинин махсус баёнот бериб, Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси номидан иттифоқчи ва қардош республикаларнинг тоғ-ширишини бажонидил қабул қилажагини, Россия республикаси ҳукумати бузилмас қардошларча ва иттифоқ алоқалари билан боғланган барча давлатларнинг манфаатлари конференцияда лозим даражада ҳимоя қилинажагини айтди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Генуя конференциясига борадиган делегация составига бошқа Совет республикаларининг айрим вакиллари ҳам кирган эдилар.

Конференция олдидан Совет республикаси ўзаро дипломатик иттифоқ тузганликлари халқларнинг ўзаро бирлашувини янада юқори босқичга кўтариш учун муҳим омил бўлди. Бу босқичда хўжалик масалалари биринчи ўринда турарди. Шунинг учун Совет республикаларининг мустаҳкам иттифоқигина уларнинг ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорлигигина империализм томонидан вайрон қилинган ишлаб чиқариш кучларини қайта тиклаш, ягона, умумий план асосида бошқариладиган социалистик хўжаликни вужудга келтириш, рационал ижтимоий меҳнат тақсимотини амалга ошириш, илғари қолоқ бўлган халқлар ва элатларнинг амалий тенгликка эришиш имконини берарди. Тарихий тараққиётнинг объектив бориши ягона иттифоқ давлати доирасида Совет республикаларининг давлат-сиёсий жиҳатдан бирлашувини зарурат қилиб қўйди. Шунинг учун 1922 йилда совет халқларининг ўзаро бирлашув ҳаракати совет федератив давлатини барпо этиш масаласини келтириб чиқарди.

СССРнинг буюк иттифоқини вужудга келтиришда В. И. Ленининг хизмати ғоят катта бўлди. Революция доҳийси совет федерациясининг янги, олий типи ғоясини илгари суриб, СССР Иттифоқи давлат ҳокимиятини ташкил этиш принципларини ишлаб чиқди. Кўпмиллатли Совет давлатини барпо этиш ленинча ғояси тенг ҳуқуқли ва суверен республикаларнинг изчил совет демократизми ва пролетар интернационализми принципларига асосланган тенг ҳуқуқли ва суверен республикаларнинг ихтиёрий иттифоқини назарда тутди. Владимир Ильич Ленин 1919 йилдаёқ, **бирлашув ташаббуси қуйидан. Совет республикалари томонидан бошланиши керак,** деб таъкидлаган эди. Худди шундай бўлди ҳам.

СССРни ташкил этиш учун бошлаган ҳаракат чинакам умумхалқ тусини олди ва жипслашиш ҳақидаги масала иттифоқчи республикалар томонидан кўтарилди. Бу ҳаракатда биринчилардан бўлиб, Закавказье Совет Федератив Социалистик Республикаси ташаббус кўрсатиб чиқди. Атоқли партия ва давлат арбоби С. Оржоникидзе сўзлари билан айтганда, закавказьелик ўртоқлар барча Совет республикалари билан муносабатларимизни расмийлаштириш тўғрисидаги масалани қўйиш ташаббусини ўз зиммаларига олдилар. Бу масала Совет Республикалари Иттифоқидан иборат этиб ҳал қилинди.

Биринчи совет иттифоқ миллий давлати сифатида Закавказье Федерациясининг тузилиши ягона Совет давлатини барпо этиш учун ўзаро бирлашиш ҳаракатининг ривожланишида олга томон қўйилган катта қадам бўлди. Гап шундаки, Закавказьедаги миллатлараро муносабатлар жуда мураккаб эди. Буржуа миллатчилари ҳукмронлик қилган кезларда эса бу муносабатлар янада кескин тус олди. Бундай ҳолларни бартараф этиш учун Коммунистик партия миллий давлат органи ҳамда сиёсат ва идеологияда интернационализм принципларини қарор топтириш қуроли сифатида Совет республикалари Закавказье Федерациясини тузиш ғоясини илгари сурди.

Совет республикаларини бирлаштириш ва СССРни ташкил этиш борасидаги таклифлар бутун мамлакатда кенг қўллаб-қувватланди. Озарбайжон, Грузия ва Арманистоннинг ҳамма заводлари ва фабрикаларида, аҳоли яшайдиган жойларда 1922 йил кузида кўпдан кўп йиғилишлар бўлиб ўтиб, уларда СССРни ташкил этиш тўғрисида якдиллик билан қарорлар қабул қилинди.

СССРни барпо этишга тайёргарлик кўришда 1922 йил 13 декабрда Бокуда бўлиб ўтган Советларнинг I Закавказье съезди катта роль ўйнади. Съезд РСФСР, ЗСФСР, Украина ССР ва Белоруссия ССР составида СССРни ташкил этиш вақти келганлиги ва зарурлиги ҳақида қарор қабул қилди.

Украина, Белоруссия ва Россия Федерациясида ҳам халқларнинг бир-бирлари билан жипслашиш ҳаракати оммавий тус олди. Натижада 1922 йилнинг 30 декабрида Москвада Катта театр залида Советларнинг I Бутуниттифоқ съезди бўлиб, унда Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг вакиллари ҳам сўзга чиқиб, бу республикалар тез орада социалистик республикаларга айланадилар ва СССР халқларининг қардошлик оиласига кирадилар деб ишонч билдирдилар. Бухоро Халқ Совет Республикасининг вакили Қ. Пўлатов ўз нутқида Бухоро деҳқонлари республикалар иттифоқини қўллаб-қувватлаш учун қўлларидан келгай ҳамма ишларни қиладилар. Бухоро деҳқонлари республикаси сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Совет республикалари билан маҳкам боғлиқ, бинобарин у алоҳида яшай олмайди. Совет Россия республикаси ва Совет Иттифоқи Бухоро республикасини ёлғизлатиб қўймайдилар, бунга ишончимиз комил, деб айтди. Шундай деб ишонч билдириш учун етарли асослар бор эди. Бухоронинг кенг халқ оммаси орасида Совет Россияси ва бошқа қардош республикалар билан бирлашиш зарурлигига ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётган эди. 1923 йил октябрида I Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига борган бухоролик экскурсантлар Красная Пресня ишчилари билан бўлган суҳбатда бундай деган эдилар: «Москванинг заводлари билан Бухоронинг далалари — бу жуда катта иш».

Советларнинг I Бутуниттифоқ съезди ва Совет Россия Федерациясида ўзаро бирлашиш ҳаракатининг ривожланишида олга томон қўйилган катта қадам бўлди. Ҳаётнинг ўзи, Ленинчи С. М. Киров отасининг нутқ сўзлади. У нутқининг охирида: «Мен яқин орада бу ерларга бизнинг Иттифоқимизга бирлашган барча республикаларнинг делегатлари учун ўрин етишмай қолади, деб ўйлайман», деган ишонч билдирди.

СССР ташкил этилгандан сўнг унинг состави социалистик миллатлар ва уларнинг миллий давлати ташкил этилиши ҳисобига кенгайиб борди. Масалан, 1924 йилда ўтказилган Ўрта Осиёдаги миллий давлат чегараланиши Совет Шарқи халқларининг бирлашув ҳаракати тарихида жуда катта воқеа бўлди.

В. И. Ленин ва Коммунистик партия Туркистонда миллий сиёсатни тўғри ва изчил амалга ошириш масалаларига ҳар доим алоҳида ва муҳим аҳамият бердилар. 1919 йил сентябрида Оренбург фронти тугатилиб, Туркистон АССР Совет Россияси билан бирлашгач, Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича махсус комиссияси (Турккомиссия) тузилди. Унинг составига М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ш. З. Элиава, Я. Э. Рудзутак, бошқа партия ва давлат арбоблари киритилди.

Владимир Ильич 1919 йилнинг 13 ноябрида «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» ёзган машҳур хатида Туркистонда олиб бориладиган миллий сиёсатнинг моҳиятини белгилаб берувчи энг муҳим масалаларни аниқ ва конкрет қилиб қўйди. 1920 йилнинг 13 июнида В. И. Ленин Туркистон комиссиясининг РКПнинг Туркистондаги вазифалари тўғрисидаги лойиҳасига ўз мулоҳазаларини ёзиб, Туркистон Коммунистик партиясини ва Туркистон меҳнаткашлар оммасини республика ҳаётида актив қатнашишга жалб этишни энг муҳим вазифа қилиб қўйди. Владимир Ильич, шунингдек, дин пешоваларига, панисломизм ва буржуа-миллатчилик ҳаракатига қарши кураш усулларини ўйлаб кўриш зарурлигини ҳам кўрсатди.

Шундай қилиб, 1920 йилнинг ёзидаёқ В. И. Ленин Туркистон халқлари давлат қурилишининг энг мақбул усулларини изларди. Бу билан келажакда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилишини башорат қилди.

Жуда катта тайёргарлик ишларидан сўнг 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилди. Натижада Туркистон АССР, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикалари 1923 — 1924 йилларда социалистик республикаларга айланди. Ўзбекистон ва Туркманистон ССР ташкил этилди.

Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг охирги сессиясида миллий давлат чегараланиши муносабати билан Туркистоннинг барча халқларига Мурожаатида миллий давлат чегараланиши Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари билан ҳамжиҳатликда ғалабалар томон, социализм томон бораётган ва боражак Ўрта Осиё халқларининг энг буюк ютуғи деб таърифландик.

Собиқ Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР ўрнида Ўзбекистон ва Туркманистон Совет Социалистик Республикаларининг, Ўзбекистон ССР составида Тожикистон АССР, РСФСР составида Қорақирғиз (қирғиз) автоном области ва Қирғизистон (Қозоғистон) АССР составида Қорақалпоғистон автоном области ташкил этилганлиги, Қирғизистон АССР составига шунингдек, Туркистоннинг қозоқлар яшайдиган жойлари киранлиги, сўнгра улар ихтиёрий равишда СССР составига кириши Ўрта Осиё халқлари олдида миллий давлатчиликни янада ривожлантириш, экономика ва маданиятни тез суръатлар билан юксалтириш учун кенг имконият очиб берди.

СССР состави сўнгги йилларда ҳам кенгайиб борди. Совет Иттифоқи — «Барча халқларимизнинг социалистик Ватани» шу тарйқа вужудга келди, камол топди, чиниқди.

КПСС Марказий Комитетининг «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида бундай дейилади: **«Советлар мамлакатининг халқлари ягона иттифоққа жипслашиш ўзларининг кучини кўпайтиришга, социал-иқтисодий тараққиёти жадаллаштиришга ўз тажрибаларида амин бўлдилар. Асрий қолоқликка маҳкум этилган собиқ миллий чекка ўлкаларнинг халқлари мамлакат барча миллатларига мансуб меҳнаткашлар билан ягона сафда капитализмни четлаб ўтиб, социалистик келажак сари дадил одим ташлагаликларидан социал-тараққиёт чўққиларига эришганликлари билан фахрланишга ҳақлимиз, адолатли дунё учун биргаликда олиб борилган курашда меҳнат аҳлининг буюк қардошлиги, ягона онла туғуси вужудга келди, омма бунёдкорлик ижодининг битмас-туганмас манбалари — халқлар ленинча бузилмас дўстлиги таркиби топди».** Бу дўстлик эса пўлатдек мустаҳкамдир.

Ҳ. ИНОЯТОВ,
тарих фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

ЯГОНА ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

ОЛМАОТА, 14 декабрь. (ТАСС). Совет халқининг кўрикдати ва космосдаги жасорати диёри бўлиб қолган Қозоғистон коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида улуғвор муваффақиятларга эришди. Ҳозир Қозоғистон бир кунда СССР ташкил этилган йилдагига қараганда икки ярим баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Республика мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қора ва рангли металларнинг, электр энергия, ёқилғи, нодир машиналар ва агрегатларнинг талайгина қисмини бермоқда.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети ва Қозоғистон ССР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб, бутун Олмаотада бўлиб ўтган қишма тантанали мажлисда ана шу фактлар келтирилди.

Докладчи — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев ва сўзга чиққан кишилар республика социал-иқтисодий ривожланиш соҳасида эришган барча ютуқлар Ленин васиятларини изчиллик билан амалга ошириш, партиянинг доно миллий сиёсати, совет халқлари дўстлиги ва бузилмас бирлиги натижаси эканлигини қайд этиб ўтдилар.

СССР ташкил этилганлигининг дастлабки кунларданоқ Қозоғистон бегараз сахий ёрдамни ҳис этиб келмоқда. Республикани индустриалаштириш негизларини яратиш учун барча зарур нарсалар Москва ва Ленинграддан, Урал ва Сибирь, Украина ва Белоруссия шаҳарларидан, мамлакатнинг бошқа регионларидан жуда кўплаб келиб турди. Яқинларгача кўчманчи бўлган қозоқ ишчилари Москвадаги «Серп и Молот» заводида ва Ленинграддаги Нева машинасозлик заводида, мамлакат индустриясининг бошқа етакчи корхоналарида пролетарча чиниқишнинг ажойиб мактабидан ўтдилар.

Бугунги кунда Қозоғистон ССРни Темиртов ва Қараганда Жезқозғон ва Павлодар, Экибастуз, Лениногорск ва Усть-Каменогорск саноат гигантларисиз, Мангишлоқнинг атом реакторисиз, Бойқўнғир космодромисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Кўрик эпопеяси социалистик интернационализмнинг ёрқин мактаби бўлиб қолди. Неча ўн миллионлаб гектар ерга ҳаёт бахш этилди. Қозоғистон мамлакатнинг энг йирик галлачилик ва чорвачилик базасига айланди.

Мустаҳкам моддий база меҳнаткашлар фаровонлигини ўстириш, Қозоғистон ССРда яшовчи барча миллатлар ва элатларни ўйғун камол топтириш имконини беради. Бундан олтмиш йил муқаддам бирорта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган республикада ҳозир амалда барча соҳалардаги мутахассисларни тайёрлаб бераётган 55 та олий ўқув юрти, юзлаб техникумлар, бир қанча нашриётлар бор. Рус, қозоқ, уйғур, корейс миллий театрлари, бошқа ижодий коллективлар ишлаб турибди.

Нотиқлар қайд этиб ўтганларидек, кўпмиллатли Совет Қозоғистонининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқини дастуруламал деб қабул қилиб КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни рўёбга чиқариш учун, республиканинг мамлакат Озиқ-овқат программасига қўшадиган ҳиссасини ошириш учун янада сабот билан курашмоқдалар.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири И. И. Сахнюк КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини доимо сақлаш учун республика раҳбарларига, меҳнат коллективларининг вакилларига топширди. Қозоғистон ССР Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятлари учун ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан ана шу байроққа сазовор бўлди.

* * *

БОҚУ, 14 декабрь. (ТАСС). Озарбайжон меҳнаткашлари бутун мамлакат билан бирга СССРнинг 60 йиллигини иқтисодий ва социал турмушда, фан, маданият ва ижтимоий-сиёсий тараққиётда салмоқли муваффақият билан кутиб олмоқдалар. Коммунистик партиянинг баҳодирона меҳнати, кўпмиллатли совет давлатининг бирлашган қудрати, СССР қардош халқларининг дўстлиги, ёрдами ва мадади туфайли ана шу барча ютуқлар қўлга киритилди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети ва Озарбайжон ССР Олий Советининг СССР ташкил этилганлиги 60 йиллигига бағишлаб бугун Бокуда ўтказилган қўшма тантанали мажлисда ана шулар ҳақида гапирилди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. М. Багировнинг докладида ва нутқларида қайд этиб ўтилганидек, эндиликда Озарбайжон экономикаси саноатнинг жўшқин ривожланаётган юзта тармоғини ўз ичига олади, ҳолбуки, революциядан аввал ва революциянинг ғалабасидан кейин кўп йиллар мобайнида Озарбайжон мамлакатнинг нефть базаси эди, холос. Олтмиш йил мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 146 баравар кўпайди.

Шу даврнинг ичида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти салкам 13 баравар кўпайди.

Совет Озарбайжони меҳнаткашлари, деб таъкидланди мажлисда, яна ҳам яхшироқ ишлашга, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига жавобан республиканинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексига қўшилган ҳиссасини оширишга азму қарор бергандирлар.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Б. Н. Яковлев нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини доимо сақлаш учун республика раҳбарларига, меҳнат коллективларининг вакилларига топширди. Озарбайжон ССР Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан ана шу Қизил байроққа сазовор бўлди.

* * *

РИГА, 14 декабрь. (ТАСС). Латвиянинг СССР составига қўшилганлиги республика меҳнаткашларининг чуқур социал-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни амалга оширишларига имкон берди. Қисқа вақт ичида социалистик индустриалаштириш қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция амалга оширилди.

Латвия Компартияси Марказий Комитети ва Латвия ССР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб бугун Ригада бўлиб ўтган қўшма тантанали мажлисда ана шу ҳақда гапирилди.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс докладида ва бошқа нутқларда Совет Латвиясининг ғуллаб яшнаётганлигидан далолат берувчи таъсирчан фактлар келтириб ўтилди.

Партиянинг аграр сиёсатини изчил амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада ўсишига эришилди. Сўнгги уч беш йиллик мобайнида давлат йўли билан ғўшт харид қилиш икки баравар кўпайди, давлатга сут сотиш бир ярим баравар, тухум сотиш 4 баравардан зиёд ошди.

Совет ҳокимияти республика меҳнаткашларининг билим олишлари, маънавий маданият бойликларини эгаллашлари учун кенг йўл очиб берди. Урушдан кейинги йилларда Фанлар академияси, миллий кинематография ташкил этилди, соғлиқни сақлаш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди.

Республика меҳнаткашлари, деб уқтиришди нотиқлар, иқтисодий ва социал ривожланиш масалаларини ҳал этиб, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини бажариш, мамлакат Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш учун энг кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроль комитети раисининг биринчи ўринбосари И. С. Густов нутқ сўзлади. У республика раҳбарларига, меҳнат коллективлари вакилларига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини доимо сақлаш учун топширди. Латвия ССР Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган ютуқлари учун ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан ана шу Қизил байроққа сазовор бўлди.

* * *

Тантанали мажлисларнинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига табриномалар қабул қилдилар.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ПХР ҳукуматининг баёноти

ВАРШАВА, 14 декабрь. (ТАСС). ПАН агентлигининг хабар қилишича, ПХР ҳукумати баёнот берди. Баёнотда бундай дейилади: Шу йил 3 декабрь куни ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский сўзлаган нутқида Польшанинг ички ишларига АҚШнинг аралашувига йўл қўйиб бўлмаслигига эътиборни қаратди, айни вақтда, башарти бундай фаолият давом этаверадиган бўлса, ПХР маъмурлари тегишли чоралар кўришга мажбур бўладилар, деб огоҳлантирибг ўтди. Америка маъмурияти бу баёнотни писанд қилмади ва унинг устига у Польшанинг манфаатларига ва суверен ҳуқуқларига қарши қаратилган ҳаракатларни кучайтирмоқда. АҚШ президенти Р. Рейганнинг 10 декабрдаги хитобномаси ва баёноти, Америка сенатининг 10 декабрдаги резолюцияси, шунингдек Польшага қарши «Америка овози» ва «Озод Европа» радиостанцияларининг эшиттиришларидаги агрессивлик кучайтирилганлиги мана шундай ҳаракатлар жумласига киради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар сабабли ва ПХР Министрлар Совети Раисининг 1982 йил 12 декабрда берган баёнотига биноан Польша Халқ Республикасининг ҳукумати Америка Қўшма Штатлари билан илмий ва маданий ҳамкорлик ҳажмини ҳамда тартибини қайта кўриб чиқишга қарор қилди. АҚШнинг махсус маҳкамалари илмий ва маданий ҳамкорликни доимо суиистеъмол қилаётганликларини, ундан разведка-қўпорувчилик мақсадларида фойдаланаётганликларини эътиборга олиб, Польша томони Польшанинг сиёсий, илмий ва маданий манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чоралар кўришга мажбурдир, деб уқтирилади ПХР ҳукуматининг баёнотида.

Жумладан, Қўшма Штатларнинг ахборот агентлиги билан, шунингдек Польшага қарши фаолият ўтказаётган АҚШ ҳукуматининг бошқа ҳамма агентликлари билан илмий ва маданий ҳамкорликнинг барча формаларини тўхтатишга, сақлаб қолинадиган илмий ва маданий ҳамкорлик формалари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай таклифномаларни кўриб чиқишнинг махсус тартибини жорий этишга қарор қилинди.

ПХР ҳукумати Қўшма Штатлар ахборот агентлиги ёки унинг бўлимлари ҳар қандай вакилларига ёки ходимларига рухсатнома беришни тўхтатиб қўйишга, АҚШ томонидан бериладиган рухсатномалар хусусидаги ҳамма аризаларни давлат манфаатлари ва хавфсизлигини эътиборга олиб кўриб чиқишга ҳам қарор қилди.

Польша ҳукумати Польша билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ёмонлашиб бораётганлиги учун бутун масъулият узоқ вақтдан бери Польшага қарши сиёсатни зўр бериб ўтказиб келаётган Америка томони зиммасига тушишини яна бир карра таъкидлайди, деб уқтирилади баёнотда.

ГРЕЦИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

АФИНА, 14 декабрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Греция коммунистик партиясининг XI съезди очилди. Унинг ишида мингга яқин делегат, партия ветеранлари, Греция коммунистик ёшларининг вакиллари, эллликдан ортиқ қардош коммунистик ва ишчи партияларининг, миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари қатнашмоқдалар. Ўнлаб компартиялар съездга табриконма юборди.

Съезд қатнашчилари ва меҳмонлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев бошчилигидаги КПСС делегациясини гулдурос қарсаклар билан табрикладилар.

ГКП Марказий Комитетининг Бош секретари Х. Флоракис ҳисобот доклади қилди.

ГКПнинг XI съезди партия ва Грециядаги бутун демократик ҳаракат фаолиятида муҳим босқич, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди.

КЕСКИН ҚОРАЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеяси Жанубий Африка ирқчи режими қўшинларининг Лесотога бостириб кирганлигини қоралади. Шу бостириб кириш натижасида Лесотодаги бегуноҳ кишилар ҳалок бўлдилар.

Ассамблея кун тартибидаги Намибия тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни тўхтатиб, махсус резолюция қабул қилди. Бу резолюцияда Жанубий Африканинг Лесотога қарши ва бошқа қўшни мустақил Африка давлатларига қарши агрессив ҳаракатларинг такрорланишига ва шу мамлакатларда аҳволни беқарор қилиш ёки йўлидаги уринишларга қарши зарур чоралар кўришни БМТ хавфсизлик кенгашидан қатъий талаб этди.

(ТАСС).

МИСЛСИЗ ЗИЛЗИЛА

ДАМАР, 15 декабрь. (ТАСС мухбири). Шимолий Яманнинг бутун ҳозирги замон тарихи мобайнида рўй берган мислсиз қаттиқ зилзила Дамар шаҳрининг ва шу номдаги бутун вилоят қиёфасини тамомила ўзгартириб юборди. Рихтер шкаласи бўйича 6 баллга яқин куч билан силкинган зилзила кўп кишиларни ҳалок этди ва иморатларни вайрон қилди. Шаҳар кўчалари «Тез ёрдам» машиналари, полиция ва қутқариш хизматининг одамлари билан тўлган. Босиб қолган кишиларга ёрдам берилмоқда.

Тоғдаги кўпдан-кўп қишлоқларга жуда катта зарар етказилди. Вилоят аҳолисининг қариб ҳаммаси ана шу қишлоқларда яшарди. Даврон деган катта бир қишлоқдан тош уймимгина қолди. Бу ерда юзлаб кишилар ҳалок бўлди. 14 та бошқа аҳоли пункти ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетди.

Қутқарув ишларининг раҳбарларидан бири Яман Араб Республикасининг давлат министри Аҳмад Луқмон ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида дастлабки маълумотларга кўра, мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди, деди. Аммо босиб қолган иморатлар остида ҳали кўп қурбонлар бор.

САМАРҚАНД ЕРИНИНГ САХОВАТИ

САБОТ-МАТОНАТ НАМУНАСИ

Р. АШУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг биринчи секретари.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг муборак 60 йиллик юбилейи халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида мисли кўрилмаган ижтимоий-сиёсий кўтаринкилик ва меҳнат активлигини вужудга келтирди. Шонли ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи босқичи — 1982 йил бошида юбилей шарафига бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси Ленин орденли Самарқанд области коммунистлари, барча меҳнаткашларини ҳам ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида матонат кўрсатиб ишлаш, янги-янги зафарларга эришиш, партия ва халқ ишончини оқлашга руҳлантирди. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди тарихий қарорлари аҳдига вафодор самарқандликлар учун қимматли дастурламал бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Самарқанд область партия комитети ҳисоботи юзасидан қабул қилган қарори партия ташкилотлари фаолиятини ўналтириш, коммунистлар авангардлигини ошириш, асосий ишлаб чиқариш участкаларидаги долзарб масалаларни муваффақиятли ҳал этишда муҳим роль ўйнади.

Коммунистик партия кўрсатмаларини турмушга изчил, оғишмай татбиқ этаётган самарқандликлар саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат, савдо ва бошқа тармоқларда ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Об-ҳаво ғоят мураккаб келган бу йилги шароитда областимизнинг қишлоқ хўжалик ходимлари, айниқса, чинакам сабот-матонат намуналарини кўрсатдилар, жамият ва халқ бахт-саодати, фаровонлиги йўлида қаҳрамонона ишладилар. КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари, СССРнинг 1990 йилгача мўлжалланган Озиқ-овқат программаси ижросига киришган ноз-неъмат бунёдкорлари эл дастурхонига 500 минг тонгача яқин мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари тортиқ этдилар ҳамда бу соҳалар учун белгиланган планларни ортиғи билан бажардилар.

Ғаллакорларимиз қўлга киритган ютуқлар ҳам беҳад қувончлидир. Давлатга дон сотиш бўйича беш йилликнинг икки йили плани тўла уддаланди. Табиий қийинчиликларга қарамай, 1982 йилда 200 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли дон сотилди. Ана шу баракали хирмонга «каҳрабо дон» гвардиясининг баҳодирлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Миришкор маккажўхорикорлар ҳар гектар майдондан ўртача 70 центнердан дон олишди.

Область чорвадорлари ҳаётимизни тўкин қилиш, экономикани юксалтириш учун астойдил интилиб, шонли тўйга муносиб тухфалар ҳозирлашди. Айни кунларда бунёдкорларимиз давлатга тухум, қорақўл тери, жун сотиш йиллик планларини муддатидан олдин адо этдилар. Она-Ватанга 37,8 минг тонна гўшт, 101,8 минг тонна сут етказиб берилди.

Ўзбекистоннинг улкан «оқ олтин» хирмонига самарқандлик заршунослар ҳам баракали улуш қўшдилар. Она-Ватанга 490 минг тоннага яқин юқори сортли «оқ олтин» тўёна қилинди. Ялпи ҳосилнинг 69 процента «зангори кема»лар ёрдамида саранжомланди. Ҳар гектар ҳисобига салкам 32 центнердан ҳосил етиштирилди.

Келтирилган рақамлардан сезилиб турибдики, ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарлик кучайтирилса, меҳнатга ижодий ёндашилса, фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланилса, илғор тажрибалар омилкорлик билан қўлланилса, ҳеч қандай табиий қийинчиликлар писанд эмас! Ўз сафларида 55 минг коммунистни бирлаштирган область партия ташкилоти синалган, ҳаётийлигини исботлаган ана шу иш услубига қаттиқ суянди.

Партия кўрсатмалари ва йўл-йўриқларига мунтазам амал қилган Каттақўрғон район партия комитети деҳқончилик маданиятини оширишнинг илғор тажриба мактабини яратди. Бу район мавсум бошидан кунлик пахта топшириш суръатида ҳам, умумий кўрсаткичда ҳам карвонбошилик қилди ва областда биринчи бўлиб халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятини бажарди. Каттақўрғонликлар ҳар гектар ердан 36,5 центнердан дурдона йиғиштириб олдилар. Пахтачи районининг азамат миришкорлари бу йил ҳам юқори ҳосил усталари эканликларини яна бир карра исботладилар. Улар гектаридан 37,8 центнердан ҳосил етиштириб, областда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Нарпайликлар гектаридан 34 центнердан, оқдарёликлар ва пастдарғомликлар 31 центнердан, пайариқликлар 30 центнердан «оқ олтин» кўтардилар.

Тошкент технологиясини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, озиқлантириш, суғориш, чеканка қилиш, дефолиациялашни намунали уюштириш йўли билан ўртача ҳосилдорликни ошириш масаласи бу йилги шароитда хўжаликлар ўртасида авж олдирилган социалистик мусобақанинг асосий шарти қилиб қўйилди. Кўплаб колхозлар ва совхозлар ҳосилдорликда рекорд натижаларга эришдилар. Каттақўрғон районидаги Ленин номли, Тельман номли, Большевик районидаги Карл Маркс номли, Пахтачи районидаги Киров номли, Калинин номли, Карл Маркс номли, Оқдарёдаги «Партия XXII съезди», Пастдарғомдаги «Комсомол» колхозлари, Пайариқдаги «Соҳибкор» совхозининг омилкор деҳқонлари ҳар гектар майдондан 40—50 центнердан жавоҳир ундиришиб, мажбуриятларини ҳам уддалашгани қувончлидир.

Бригадалар ўртасидаги мусобақа якунлари ҳам ибратли бўлиб, бу меҳнатга, халқ ва жамият манфаатларига коммунистик муносабатнинг порлоқ тимсолидир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Большевик районидаги Карл Маркс номли колхозидан Бойтўра Кўмаков, Нарпайдаги «Октябрь» колхозидан Бозор Донаев, Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхозидан Шониёз Турсунов, Пахтачидаги Охунбобоев номли колхозидан Сафар Эргашев, Пайариқдаги Калинин номли колхозидан Тошмон Рўзимуродов етакчилик қилган бригадаларда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 50—60 центнердан ошиб кетди.

Уруғчилик хўжаликлари кўзланган марраларни дадил эгаллашди. Бу жабҳадаги топшириқ 110 процент адо этилди, яъни 65,5 минг тонна юқори сортли уруғлик пахта етказиб берилди.

Дала гвардиячилари йиғим-терим мавсумида алоҳида жасорат кўрсатиб тер тўкдилар. Пахтачи районидаги «Коммунизм» ва Калинин номли, Большевик районидаги «Чимбойобод», Оқдарёдаги «Москва», Нарпайдаги «Победа» колхозлари, Пайариқдаги Димитров номли, Пастдарғомдаги Ленин номли совхозлар механизаторларининг фидокорлиги таҳсинга сазовордир. Ана шу хўжаликларда ялпи ҳосилнинг 80—90 процента агрегатлар ёрдамида йиғиб-териб олинди.

Нарпайдаги Ислом шоир номли совхоздан СССР Олий Совети депутати Усмон Мамадиёров, Пастдарғомдаги «Партия XXII съезди» колхозидан Кубай Одилов, Каттақўрғондаги «Правда» колхозидан Баҳром Убайдуллаев, Большевик районидаги Карл Маркс номли колхозидан Мусурмон Эргашев, Иштихондаги «Муродобод» колхозидан Маманазар Ражабов ва бошқа ўнлаб «зангори кема» капитанлари юбилей мавсуми қоғиблари сифатида шуҳрат тараттдилар. Бу азаматлар бункерлардан 250—500 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Юзимиз ёруғ бўлган айёмда пахтакорларга ҳамкору ҳамнафас бўлган сахий қалбли ҳашарчи биродарларга офаринлар айтамиз. Самарқанд, Каттақўрғон, Оқтош шаҳарларидан далага йўл олган ҳашарчилар пахтакордан зарур мададни аямадилар. Ўргутлик тамакикорлар, Самарқанд районидаги сабзавотчилар, булунғурлик соҳибкорлару боғбонлар, советободлик ва қўшработлик қорақўлчилар юбилей йили хирмонини барпо қилишда берган кўмаклари ҳеч қачон унутилмайди.

Очиғи, олдимизда қиш фаслида бажарилиши зарур бўлган жуда зарур вазифалар турибди. Ер ҳамиртурушн — маҳаллий ўғитни кўпроқ жамғариш, машина-механизмларни сифатли ремонтдан чиқариш, ирригация шохобчаларини тартибга келтириш, янги ерлар ўзлаштириш, капитал планировкалар ўтказишни жадаллаштириш яқин орадаги кечиктириб бўлмайдиган муҳим тадбирлардир.

Зиммамизга жиддий масъулият юклайдиган яна бир долзарб вазифа — чорва қишловини беталафот ўтказишдан иборатдир. Мамлакатнинг маъмурчилик программаси қорақўл қўйларни асрашни яхшилашни, бўрдоқи моллар қаровини кучайтиришни, сигирларни белгиланган рацион асосида боқишни, хуллас, қишда ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштириши камайтирмасликни тақозо этади. Бунинг учун жамғарилган ем-хашакдан унумли фойдаланишимиз, исрофгарчиликка йўл қўймаслигимиз керак.

Юбилей йили якунланишига саноқли кунлар қолди. Ҳозир бутун мамлакат бутун прогрессив инсоният Советлар мамлакатининг табаррук тўйини кенг нишонламоқда. Барча совет кишилари қатори Самарқанд области ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлилари бу қутлуғ санани муносиб туёналар билан кутиб олмоқдалар. Ижтимоий тараққиёт тарихи саҳифаларига абадий ёзиб қўйиладиган умумжаҳон шодиёнаси коммунизм бунёдкорларини меҳнат ва курашнинг янада мунаввар уфқлари сари руҳлантиражаги шак-шубҳасиздир.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Пилла 3146,3 тонна

Дон 200 минг тонна

Сабзавот 252 минг тонна

Узум 130 минг тонна

Ҳўл мева 55 минг тонна

Картошка 25 минг тонна

Полиз 23 минг тонна

Тамаки 24 минг тонна. Шундан 91 процента олий нав.

Гўшт 37,8 минг тонна

Сут 101,8 минг тонна

Тухум 97 миллион дона

Қорақўл тери 262,6 минг дона

Жун 2,5 минг тонна.

Пастдарғомдаги хўжаликлараро бўрдоқичилик комплекси коллективи эришаётган муваффақиятларда илғор бузоқбоқар З. Камолованинг (юқоридаги суратда) ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Большевик районидаги К. Маркс номли колхозининг А. Қўшмуродов бошлиқ бригада коллективи ҳосилдорликда 60 центнерлик маррани эгаллади. Суратда: етакчиси (пастда) бри- А. Қўшмуродов.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Пахтакор меҳнатини игна билан қудуқ қазишга тенглаштиришади. Халқ яратган ана шу ҳикмат нақадар ҳақиқат эканлигини бу йилги мураккаб шароитда етти яшардан етмиш яшаргача бўлган ҳар бир киши чуқур ҳис этди. Шонли беш йилликнинг иккинчи босқичида табиат туғдирган қийинчиликлар, биз, каттақўрғонликлар учун ҳам чинакам ҳаётий сабоқ бўлиб қолди. Район партия комитети, район Совети ижроия комитети амалга оширган катта ташкилий-сиёсий ва тарбиявий ишлар туфайли, миришкор деҳқонларимизнинг тадбиркорлиги, матонати ва «оқ олтин»га бўлган чексиз муҳаббати туфайли мислсиз тўсиқлар енгиб ўтилди. Даларда мўл ҳосил тўпланди.

Йиғим-теримнинг энг долзарб палласида машина-механизмлар ҳал қилувчи роль ўйнашини яхши биламиз. Шу боис дефолиация сифатли бўлишини таъминладик. Ғўза барги яхши тўкилди, кўсаклар очилиши тезлашди. Бу эса машина теримига кенг йўл очилганлигидан далолат берарди. Шундай қилиб, уч юз «зангори кема» сентябрь ойининг ўрталаридан кенг фронт бўйлаб ҳужумга ўтди.

Бу йил коммунистлар, барча механизаторлар пахтачиликдаги мураккаб жараёнларни техника гарданига юклаш учун чинакам маҳмада кўрсатдилар. Терилган пахтани ташиш, саранжомлаш учун 550 дан ортиқ трактор, 840 та тележка ва бошқа кўплаб механизмлар сафарбар этилди. Барчанинг диққати Тошкент технологиясини тўла ўзлаштириш, яъни «зангори кема»ларнинг иш унумини оширишга қаратилди. Ана шу эзгу мақсад йўлида 37 та теримтранспорт отряди тузилди. Бундан ташқари муваққат партия группалари далаларни тайёрлаш, техник хизмат кўрсатиш звеноларининг машина теримидаги фаолиятини мунтазам назорат қилиб бордилар. 624 коммунист, 1.235 комсомол аъзоси агрегатлар меҳнат унумдорлигини кўтариш учун жонбозлик кўрсатиб ишлашди.

Тадбирларимиз ажойиб самаралар берди. Йиғим-теримнинг дастлабки кунларида 2 процентга етар-етмас пахта тайёрланган бўлса, агрегатлар оммавий ишга туширилгач, бу кўрсаткич 3—4 процентдан ошди. Ҳар бир машина ҳисобига кунига 7—8 тонна, ҳатто 10—12 тоннагача пахта тайёрланди. Баҳром Убайдуллаев мавсумда 400 тонна дурдона терди. Узоқ Уроқов, Иззат Муҳаммадалиев, Умар Бекназаров, Оппоқ Тожиева, Муҳаббат Ризоқулова каби меҳнатсевар суворийларнинг бункерлардан тўккан «оқ олтин»и 150—200 тоннадан ошиб кетди.

Йиғим-теримни тошкентликлар технологияси асосида ташкил этганимиз туфайли хирмонимиз салмоқли бўлди. Она-Ватанга 67.000 тонна «оқ олтин» армуғон этиб, зиммамиздаги мажбуриятни муваффақиятли бажардик. Ҳар гектар ер ҳисобига йиғиштириб олинган ҳосил 36,5 центнерга тўғри келди. Тельман номли, Крупская номли, Карл Маркс номли, «Правда» колхозлари, Мичурин номли совхоз заршунослари эришилган зафарга муносиб ҳисса қўшдилар ва пахтачиликда илғор тажриба мактабини яратдилар. Ана шу хўжаликлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шониёз Турсунов, Орзи Шониёзов, Баҳриддин Мажидов, Қорахон Ражабов, Раим Эгамбердиев бошлиқ бригадаларда ҳар гектар майдондан 45—50 центнердан ошириб ҳосил етиштирилди.

Айни кунларда келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш чоралари кўрилянти, ғўзапоядан тозаланган майдондар сифатли шудгорланмоқда.

Иноят ТУРОБОВ,
Каттақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҒОЛИБЛИККА ЭРИШДИК

Мен узоқ йиллардан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қиламан. «Оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштириш жараёнида жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирдик. Лекин бу йилгидек қийинчиликларни биринчи марта кўрдик. Бизнинг областимизда баҳор роса 20 кун кеч бошланди. Чигит экиб бўлингач, кучли ёмғир, сел ёғди, дўл тушди. Оқибатда эндигина унаётган ниҳоллар хавф остида қолди. Биз бундан асло чўчимадик.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг, қолаверса, область партия, совет ташкилотларининг оталарча ёрдамини ҳар қадамда сезиб турдик. Қўшимча минерал ўғитлар олдик. Колхозимиз чорва фермаларидан, узоқ отарлардан кўплаб маҳаллий ўғитлар жамғардик. Бир сўз билан айтганда ҳар гектар ер ҳисобига 20—30 тоннадан чиритилган гўнг, қўй қийи ва бошқа органик ўғитлар солиш, беш-олти марта комплекс парвариш ўтказиш йўли билан ғўзаларнинг серҳосил бўлишини таъминладик.

Бизнинг бригадамиз ҳамиша рекорд ҳосил етиштириб келди. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам ана шу анъаналардан орқага чекинишимиз мумкин эмас эди. Бунинг устига аъло сорт пахта миқдорини кўпайтиришимиз кун тартибига қўйилган муҳим вазифалардан бири эди. Бригадамиз ҳар гектар майдондан 65 центнердан юқори сорт пахта етиштириб яна ғолибликка эришди.

Хўжалик йилининг муваффақиятлари ҳақида гап борганда механизаторларимиз умумий ҳосилнинг асосий қисмини «зангори кема»ларда териб берганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу сабабли сорт юқори бўлиб, хом ашё топшириш арзонга тушганини, пахтакорларимизнинг шахсий даромади ўтган йилгидан анча кўпайганини қувонч билан айтиб ўтиш зарур.

Ҳосилдорликда чегара йўқ. Пахтакорлар ҳалол меҳнат қилсалар, сув, техника, ўғитлардан ишнинг кўзини билиб оқилона фойдаланса, агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширсалар, ҳамиша «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштириш мумкин. Биз шуни эътиборга олиб, агротехниканинг қишки тадбирларини муваффақиятли равишда амалга оширямиз. Мақсадимиз шуки, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи давраси — 1983 йилда пахта ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 70 центнерга етказамиз

Бойтўра КЎМАКОВ,
Большевик районидаги К. Маркс номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ОБЛАСТЬ САНОАТЧИЛАРИ РАПОРТИ

Самарқанд области саноат ходимлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан ўн биринчи беш йиллик икки йили планини 15 декабрда, қабул қилинган мажбуриятдагидан беш кун илгари бажардилар.

Икки йил давомида планга қўшимча равишда 70 миллион сўмликдан зиёд саноат буюмлари реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ҚУТЛОВЛАРИМ СИЗГА

Областимиз пахтакорлари юбилей йилида она-Ватанга 490 минг тоннага яқин «оқ олтин» етказиб бериб, зафар қучганлиги дилларимизни қувончга тўлдирди. Бугун икки қўлимизни кўксимизга қўйиб, азамат пахтакорларимизга таъзим қиламиз.

Биз чорвачиликни сермашаққат меҳнат деймиз. Лекин сизларнинг бу йилги қаҳрамонона меҳнатларингизни таърифлашга сўз топиш қийин. Сизлар пахта етиштиришни кўпайтириш билан совет халқлари ўртасидаги интернационал дўстликни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшдингиз. Ҳормманг энди олтин қўлли пахтакорлар!

СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда пахта каби гўшт, сут, тухум ва бошқа хил маҳсулотларни кўпайтириш алоҳида аҳамиятга моликдир. Биз чорвадорлар ҳам юбилей йилини кутилгандан зиёд муваффақиятлар билан якунламоқдамиз. Мен ўзимга биркитилган сигирларнинг ҳар бошидан 5000 килограммдан кўпроқ сут соғиб олиш ҳақидаги сўзимнинг устидан чиқдим.

Сизларни улкан меҳнат ғалабаси билан барча чорвадорлар номидан яна бир бор муборакбод этаман. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида бундан ҳам каттароқ зафарларга эришувларингизни тилайман.

Раҳима СУЛТОНОВА,
Самарқанд районидаги «Москва» колхозининг сут соғувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхоз заршунослари юбилей йили социалистик мажбуриятларини ортиғи билан уддаладилар. Хўжаликнинг муваффақиятига ҳар гектар ердан 51—54 центнердан хирмон кўтарган пешқадам бригадалар муносиб ҳисса қўшишди. Суратда: юқори ҳосилли бригада бошлиқларидан (чапдан) Т. Султонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Турсунов, У. Муртазаев, О. Шониёзов, Х. Ёмоловлар.

А. Тўраев ва В. Тишченко фотолари.

АРЗИГАЙ СУЮНИБ СЕНИ МАҚТАСАМ...

Дунёда сендан ҳам беғуборроқ йўқ,
Элларга эъзозли, суюк пахтасан.
Арзигай суюниб сени мақтасам,
Қимматинг қитъалар меҳрига лойиқ!
Пахта, пахта-ку бу, жон қадар азиз,
Пилласи, тилласи, доғу дараси...
Чолдқ,» ё Барчиной, алпу дарғаси —
Барчаси Ватанга ардоғу танқис.

Буюкдир яралган оппоқ хирмони,
Миллаб тонна билан ўлчангай тоши.
Хирмони — оқсоқол тарих тенгдоши,
Фидойи сўзининг жони, жаҳони.

Оппоқ чўққиларда садо бер янгроқ:
Олам кўрсин, одам кўрсин бўйингни,
Орзу қилсин кундай ёруғ уйингни,
Армуғон — оппоқ хирмон — оқдан-оқ.
Арзигай суюниб сени мақтасам...

ОТАЁР.

КАСБИМИЗНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Совхозимиз пахтакорлари юбилей йилида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Юз берган табиий офатларни мардлик билан енгиб, пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Мўл ҳосил учун курашда ҳамиша бўлганидек механизаторларимиз карвонбошилик қилишди. Улар катта майдонларга икки-уч марталаб қайта чигит экдилар. Ғўза тупларининг бир хил қалинликда бўлиши таъминланди. Ёз ойларида ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериш йўли билан сув танқислигини енгдилар, нам тўла сақлаб қолинди. Шундай қилиб ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига механизаторлар, айниқса, қулай шароит яратдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, пахта майдонларида бу йил бегона ўт, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари кўпайди. Механизаторларимиз техника ёрдамида уларга қарши таъсирчан чоралар қўлладилар. Мўл ҳосил тўла сақлаб қолинди. Пахта йиғим-теримига хўжалигимиз ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан киришди. Механизаторлар мусобақаси бутун чоралар билан кучайтирилди.

Лекин пахта йиғим-терими қизғин паллага кирган кунларда яна бир қатор қийинчиликларга дуч келдик. Устма-уст бўлиб ўтган ёғингарчиликлар натижасида «зангори кема»ларни тўла қувват билан ишлатиш имконияти бўлмади. Қизғин дамларда машиналар икки-уч кунлаб бекор туриб қолди. Бошқа табиат қийинчиликларини ҳам кўп бошимиздан кечирдик.

Шунга қарамай механизаторларимиз машиналарни далаларга киритиш имконияти туғилиши билан фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Об-ҳаво қулай келган кунларда ҳам, тунларда ҳам «зангори кема»ларни тўла қувват билан ишлатдик. Ҳар бир механик-ҳайдовчи кунлик графикларини ортиғи билан бажариш учун астойдил ҳаракат қилди. Республика партия ва ҳукуматининг барча пахтакорлар, шу жумладан биз, механизаторларга қарата қилган Мурожаати янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди.

Совхозимиз механизаторлари бутун имкониятларини ишга солиб, белгиланган графиклар ва зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилдилар. Бугун шуни қувонч билан айтамизки, совхозимизнинг барча механизаторлари машинеда пахта териш юзасидан белгиланган топшириқларни шараф билан бажардилар. Мен ҳам шулар қатори терим агрегати бункеридан 500 тонна дурдона тўкиб, юксак социалистик мажбуриятимни тўла адо этдим.

Биз, механизаторлар эндиликда ерларни минерал ва органик ўғитлар билан ўғитлаб, чуқур шудгорлаш учун мусобақани қизитмоқдамиз. Пахта майдонлари икки ярусли плугларда 40—45 сантиметр чуқурликда шудгорланяпти. Ҳамиша бўлганидек бундан кейин ҳам механизаторлик касбини шарафлайверамиз.

Усмон МАМАДИЁРОВ,
Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхоз механизатори. СССР Олий Совети депутати.

ХАБОРОТ

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Тошкент область Бекобод район маркази — Зафар посёлкасида қад кўтарган ўнлаб уй-жойлар, болалар боғчалари, мактаб ва кутубхона бинолари посёлканинг қиёфасини ўзгартириб юборди.

Яқинда 240 ўринли касалхона ва 500 кишига хизмат қиладиган поликлиника ишга туширилди. Ўзбекистон металлургия заводи ишчилари учун қурилган 200 ўринли касалхона фойдаланишга топширилди.

Коммунистик район маркази — Янгибозор посёлкасида 750 кишига хизмат киладиган 4 қаватли поликлиника, Паркент районидаги Энгельс номли совхозда 100 ўринли туғруқхона ишлай бошлади. Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида йил охиригача 105 ўринли касалхона, бир кунда 300 кишига хизмат кўрсатадиган поликлиника фойдаланишга топширилади.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Тошкент шаҳар трамвай ва троллейбус бошқармаси аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш максадида бир қанча қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошираётир.

М. Горький ва А. Невский кўчалари бўйлаб қатнайдиган трамвай йўллари ремонти ниҳоясига етай деб колди. Ғ. Ғулом кўчасидан Отчопаргача 12 километр масофага, Студентлар шаҳарчасидан янги ТошМИ шаҳарчасига 2,2 километр узунлигида трамвай йўли ёткизилаётир. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги ва Тошкентнинг 2000 йиллиги юбилейигача шаҳар транспорти харакатини яхшилаш борасида яна бир қанча қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилади.

И. РАҲМАТОВ.

КООПЕРАТИВ УСУЛДА

Пешку районидаги «Октябрь» колхозида кооператив усулда уй-жойлар қуриш кенгайтириб юборилди. Кейинги икки йил ичида бу ерда колхозчилар учун анчагина уй-жой қуриб берилди. Яқинда 14 хўжаликда ховли тўйлари ўтказилди. Кооператив усулда қурилган бу ховлилар ҳамма қулайликларга эга. Молхона, гандирхона ва шахсий томорка ерларига эга, у қишлок аҳолисига манзур бўлмоқда.

Райондаги «Москва», Куйбишев номли колхозларда ҳам колхозчилар учун ана шу усулда ховли-жойлар қуриш бошлаб юборилди.

М. БАҚОЕВ.



ҚУРИҚ НЕЪМАТЛАРИ — ТЮМЕНГА!

Қарши чўлида янги совхозлар сони тобора ортиб бораяпти. Бу чўлда яна бир хўжалик ташкил этилди. Унга «Дружба—Уренгой—Шўртан» номи берилди. Хўжаликнинг сахий ерларида етиштирилган ноз-неъматлар асосан Тюмень газчилари ва нефтчиларига юборилади.

Совхоз миришкорлари интернационал бурчни шараф билан оқлаяптилар. Улар юбилей йилида оталиқ ташкилотлари дастурхонига 210 тонна полиз маҳсулотлари, 150 тонна сабзавот юбордилар.

Суратда: қардошлар дастурхонига юборилиадиган ковунлар сараланяпти.

Ш. Шарапов фотоси (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

МАКЕДОНИЯДА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ АНТОЛОГИЯСИ НАШР ЭТИЛДИ

Республика нашриётлари билан Югославия нашриётлари ўртасида Македонияда ўзбек поэзияси антологияси ва Ўзбекистонда Македония поэзияси антологиясини нашр этиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбек шеърияти антологияси Навоий шеърлари билан бошланади. Китобда Ойбек, Ҳамид Олимжоннинг адабий мероси тақдим этилган. Югославиялик китобхонлар Зулфия, Р. Бобожонов, Э. Воҳидов, Ғ. Нуруллаева, А. Орипов, Ҳ. Ҳудойбердиева ва бошқа ўзбек шоирларининг асарлари билан танишишлари мумкин.

«Мусаффо дарё» деб аталган бу тўплам келгуси йил ёзида босмадан чиқарилади. Асарни «Культурен живот» (маданий ҳаёт) нашриёти чоп этади. Ўзбек шеърияти антологиясини Любчо Стойменск тузган ва таржима қилган. У ўз ватандошларини бундан анча илгари совет шеърияти билан таништирган эди. Югославиялик адиб Тошкентда бўлиб, ўзбек ҳамкасбларини ўз иши билан таништирди.

Ҳозирги пайтда Ғафур Ғулом номли адабиёт нашриёти Македония шеърияти антологиясини босмага тайёрламоқда. Югославия республикаларидан бири адибларининг китоби мазкур мамлакат ёзувчилари асарларининг ўзбек тилида нашр этилишига йўл очиб беради.

(ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНАДИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида бўлиб ўтган кеча «Тошкент — қардошлик шаҳри» мавзуига бағишланди. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари учун кўп қаватли турар-жой комплексларини барпо этаётган москвалик бинокорлар корхона меҳнаткашлари қузурида сўзга чиқдилар. Улар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида москваликлар зўр ғайрат-шижоат билан ишлаётганликларини гапириб бердилар. Улар янги микрорайон бунёд этишда монтаж ишлари суръатини икки ярим баравардан зиёд тезлаштирдилар.

Кеча қатнашчилари кабелчилар интернационал коллективининг зарбдор юбилей вахтасида эришаётган ютуқларини акс эттирувчи фотовиставка билан танишдилар.

Маданият саройида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган кечалар ўтказилмоқда. Кечаларда корхона меҳнаткашлари ёзувчилар, артистлар билан учрашмоқдалар, мамлакатимизда ленинча миллий сиёсат тантанаси тўғрисидаги лекцияларни тингламоқдалар ва ҳужжатли фильмларни томоша қилмоқдалар.

(ЎзТАГ).

Сталинград жангининг 40 йиллиги олдидан

СОВҒА

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, тарих фанлари доктори, профессор Тўғон Эрназаров 60 ёшга тўлди. У бундан қирқ йил олдин Сталинград мудофаси учун жангларда қатнашиб, жасорат кўрсатди. Ҳозирги пайтда фронт саргузаштлари асосида хотиралар ёзмоқда. Биз қўйида ана шу хотиралардан бир шингилини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Ноябрь 1942 йил...

Мен биринчи бор тўп овозини тинч Дон қирғоқларида эшитдим. 32-ўқчи корпус жангчилари дарёнинг чап қирғоғида мудофаага ўтиб, окоп қазишга киришдилар. Аҳён-аҳёнда гумбурлаган тўп ва пулемёт овозлари эшитилиб туришини ҳисобга олмаганда, фронтда сокинлик ҳукм сурарди. Лекин бу сокинлик тез орада бўрон туришидан дарак бераётгандек туюларди.

Кечга яқин изғирин кучайди. Аста-секин қор учқунлай бошлади. Бир зумда қирғоқ бўйлари оқариб қолди. Солдатлар зўр бериб ер қазиш, олиндаж қуриш билан машғул бўлиб, совуқнинг кучини ҳали унчалик сезмас эдилар. Қор учқунлари уларнинг киприкларига худди капалак сингари қўнар, ёноқларидаги тер томчилари бутидан эриб, сув бўлиб оқарди.

Мен ҳозиргина қазилган олиндажда рацияни ўрнатиб, штаб билан алоқа боғлашга киришдим. Лекин антенна яхши ўрнатилмагани учун приёмник ҳадеганда ишламади. Шунда окопдан сакраб чиқдим-да, антеннани кўтармоқчи бўлдим. Лекин шу пайт қулоғим остидан бир ўқ визиллаб ўтиб кетди. Солдатлардан кимдир менга дашном берди:

— Радист, эсингни едингми, ётсанг-чи. Ҳозир мерган ўқига дучор бўласан!

— Раҳмат сенга, дўстим! — шундай дедим-да, эҳ-ҳушимни йиғиб, окопга ирғидим. Шу воқеадан кейин урушнинг қаттиқ қондаларига риоя қилиб ҳаракат қиладиган бўлдим. Ахир, фронтда бир нożя қўйилган қадам бутун бир ротани барбод қилиши мумкин эдида. Шундай бўлишига оз қолган экан. Нариги қирғоқда жойлашган душман пулемёт ва автоматлардан бизнинг позицияга отишни кучайтириб юборди. Позицияни ўзгартиришга тўғри келди. Мен рациям билан қирғоққа яқин бир тепаликдаги горга кўчдим. Тун пардаси чор-атрофни қоплаб олгач, отишма ҳам тўхтади. Мен бундан фойдаланиб, антеннани эҳтиётлик билан ўрнатдимда, алоқа боғладим. Штабдан қувончли хабар олдим. Бизнинг фронтга ўзбек делегацияси келган экан. Мен хурсанд бўлганимдан рациям ҳам қолдириб, окопларда кун бўйи ер қазиб чарчаган, милтиқларига суяниб мудраб ётган жангчилар орасига ўзимни отдим:

— Биродарлар, бизга Ўзбекистондан меҳмон бўлиб келишибди. Турингглар, кутиб олайлик!

Окопда жонланиш бошланди. Шу пайт қирғоқ томондан делегация аъзолари солдатлар орасида пайдо бўлдилар. Улар саломаликдан сўнг совғалар тарқата бошладилар. Жангчилар уларни ўз қариндошуруғларидек қарши олиб, делегация шарафига бор қуроллардан душман томонга ўқ узар эдилар. Бу учрашув турли миллат жангчиларида зўр таассурот қолдирди. Уларнинг севинчлари ичларига сиғмас, миннатдорчилик изҳор қилишга сўз тополмасдилар. Окоплардаги ана шундай бир катта руҳий кўтаринкилик менда фарқланиш ҳиссини йўқотди. Бу ҳислар худди Дон тўлқинлари сингари мавж урарди. Пўстин, телпак ва пальто кийган кекса бир киши мени қучоқлаб, совғача топширди. Кўзларимда ёш томчилари кўринди шекилли, у менга далда берди:

— Солдат иродали бўлиши керак. Бу — Ғалаба калити.

— Ҳа, албатта, отахон! Биз ғалаба билан қайтамиз! — дедим ўзимга келгач. Шундан сўнг ўз постимга қайтиб, совғани очдим. Унда майиз, туршак, шафтолиқоқи ва бошқа мевалар бор экан. Шунда бенхтиёр кўз олиндда жонажон Ўзбекистоннинг жаннатмакон боғ-роглари, олмазор ва шафтолизорлари, қир-адирлари, бол томган узумзор ишкомлари ва кўзни қамаштирган пахтазор далалари, осмонўпар тоғларидан оқиб тушган зилол сувлари худди кино лентасидек бирбир ўта бошлади. Мен ўзимни ноёнкор Дон соҳилида эмас, балки Сирдарё этакларида, урушда эмас, балки тинч даврдагидек ҳис этдим. Биринчи бор Ватан тушунчасини тор маънода эмас, балки кенг маънода тушуна бошладим. Мен ўз она юртимни худди шу ерда, Россия далаларида ҳимоя қилаётган эдим-да. «Дарҳақиқат, руслар ўзбеклар бошига оғир кулфат тушганда қандай жонбозлик кўрсатдилар. Улар Гражданлар уруши даврида Фарғона водийсида, Бухоро чўллари, Хоразм воҳасида босмачиларга қарши курашган, озод Шарқ тупроғида биродарларимизнинг қабрлари бор. Эндиликда биз руслар бошига кулфат тушганда қараб туришимиз инсофданми? Йўқ, албатта. Бизнинг тупроғимиз ҳам бир, тақдиримиз ҳам бир. ғоямиз ҳам бир, мақсадимиз ҳам бир. Биз қондош, жондош, яхлит халқмиз».

Шу хаёллар билан совуқ ғор ичида ётганимни ҳам унутган эдим. Қуёшли Ўзбекистон диёрининг иссиқ ҳарорати ўз оғушига олганди. Ватан меҳри ва туйғуси менга бир дунё завқ-шавқ бағишлади. Кўз олдимда кичик совғачаю, лекин қалбимда зўр ҳаяжон, миямда эса буюк ғоялар мавж урарди. Шу туфайли бўлса керак, узоқ вақтгача, тун алламаҳал ухлай олмадим.

19 ноябрь тонг отарида тўп овозларидан чўчиб уйғондим. Еру-кўк ларзага келди. Осмонда саноқсиз самолётларимиз пайдо бўлди. Улар чап қирғоқда мустаҳкам истеҳком қурган душман устига бомбалар ёғдирдилар. Замбараклардан отилаётган снарядлар фашистларни саросимага солиб қўйди. Охирида «катюша»лар тилга кирди. Нариги қирғоқ олов денгизи ичида колди. Бундай даҳшатли зарбани фашистлар кутмаганди. Улар катта талафот бериб чекиндилар. Биз «ура» садолари остида ҳужумга кўтарилдик.

Бу Сталинградда душманнинг 330 минг кишилик қўшинларини қуршаб олиш учун бошланган буюк ҳужум эди. Бу ҳужум жангларида бизда битта туйғу ҳукмрон эди. У ҳам бўлса — Ватан туйғуси. Бу туйғу бизга зўр қанот бағишлади.

Озод қилинган биринчи хуторда биз гитлерчилар қилган ваҳшийликларнинг гувоҳи бўлдик. Улар чекина туриб, қишлоққа ўт қўйишган. Аҳолини эса Германияга ҳайдаб олиб кетишган. Менинг олдимга кекса бир чол келиб, кўз ёшини арта туриб, ертўлага бошлаб кирди. Бу ертўлада бўйсунмаган кишиларнинг жасадлари ётарди.

— Аблаҳлар! — сўкинди солдатлардан бири подвал ичидан чиқар экан. — Буларни қутқариш бефойда. Уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлган.

Мен, тутун аралаш аччиқ қўланса ҳид чиқараётган ертўлага тушиб ҳангу-манг бўлиб қолдим. Жизғинакка айланган мурдалар қалашиб ётарди. Уларнинг кўпчилиги ғўдак болалар ва яралар жангчилар экан. Баданим чумоли юргандек жимрлаб кетди. Кўзларим хиралашиб, майда учқунлар чиқара бошлади. Бу газаб учқунлари эди, тўғрироғи, фашист ваҳшийларига нисбатан нафрат алангаланарди.

Ана шундай ваҳшийликни биринчи бор ўз кўзи билан кўрган жангчиларимиз яна ҳам шиддат, яна ҳам сабот, яна ҳам жасорат билан ҳужумни давом эттирдилар. Сталинград остоналарида душман қақшатқич зарбага учради. Тинч Доннинг чап қирғоғида фашистлар билан бирга Антонеску қўшинлари ҳам бор эди. Уларнинг кўпчилиги деярли қаршилик кўрсатмай таслим бўлдилар. Солдатлардан кимдир ғазаби тўлиб-тошган ҳолда асирларни ҳам автоматдан отмоқчи бўлган эди, командир уни тўхтатиб, танбеҳ берди:

— Эгилган бошни қилич кессмас, ҳа Шарқда ана шундай ибора бор. Бундан ташқари, биз инсонпарвар кишилармиз-ку! — деди.

Асирлар юпун кийинган, оёқларида чориқ, бошларида пайтаваларидан салла ўраган, илма-тешик бўлиб кетган жулдур кийима рус тупроғида қадам ташлаб борар эдилар. «Умумий сафарбарлик» буйруғи билан олинган бу солдатлар совуқдан қалтираб, кўз ёши тўкар, бизлардан шафқат қилишни илтижо қилардилар. Ахир, улар бундай ҳолга тушишни хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар-да. Гитлер урушни қишгача тамомламоқчи бўлган. Лекин унинг яшин тезлигидаги уруш қилиш плани Москва остоналарида барбод бўлганидан кейин Сталинградни қўлга киритиб, яна Москвага ҳужум қилмоқчи бўлган. Лекин унинг бу чиркин ғояси амалга ошмади. Бу асирлар энди ғолиб армиянинг эмас, балки маглуб армиянинг вакиллари эдилар. Бизнинг жангчи ва офицерларимизда душманга янада қаттиқроқ зарба бериш кайфияти, ҳужумкорлик руҳи ғоят баланд эди. Улар Калач районида душманни қуршаб олиш учун ҳужумни ривожлантириб бордилар.

Т. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БУХОРО ШАҲРИДА

23—24 ДЕКАБРДА

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1982 ЙИЛГИ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 6-ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

ТИРАЖДА УМУМИЙ СУММАСИ 990 МИНГ СУМ БЎЛГАН 328 МИНГТА ЮТУҚ УЙНАЛАДИ.

ЖУМЛАДАН, 5 та «МОСКВИЧ», 20 та «ЖИГУЛИ» ва 10 та «ЗАПОРОЖЕЦ» автомашиналари, 60 та «УРАЛ» аравачали мотоцикли, кўп миқдорда гилам ва бошқа қимматбаҳо ютуқлар бор.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА ҚАТНАШИНГ!

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШ БОШҚАРМАСИ.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистонда иситиш мавсуми бошланди. Иситиш даврида тузатилмаган печлар ва мўрилардан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ёнғинлар келиб чиқади...

Уйларни, мол-мулкни ва болаларни ёнғиндан сақлаш учун қуйидагилар хавфли эканлигини билиб қўйиш лозим:

— созланмаган печлар ва мўрилардан фойдаланиш;

— печларни тез алангланиб кетувчи суюқлик (керосин, бензин, лигроин билан) ёқиш;

— вақтинча металли печлардан фойдаланиш;

— ёқиладиган эшикчаларини очиқ қолдириб, печларни ёқиш;

— ёниб турган печлар устида кийимларни қуритиш;

— ёниб турган печлар олдида мурғак болаларни катталарнинг назоратисиз қолдириш ёки уларга печкаларни ёқишни ишониб топшириш;

— ёғочли иморатлар, ҳужралар, ғарамланган пичан ва ғўзапоялар атрофида ўчирилмаган чўғларни сочиб юбориш;

— печлар ва мўриларнинг созланиб қурилганлигини текшириш учун район, шаҳар, қўнғилли ёнғин муҳофазаси жамиятига мурожаат этингиз.

Сиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиб, ўзингизнинг шахсий мол-мулкингизни муҳофаза қилган ва оила аъзолари ва қўшниларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ҚЎНГИЛЛИ ЁНҒИН МУҲОФАЗАСИ ЖАМИЯТИ.

СПОРТ

КУРАШ:

ФАХРЛИ ЎРИН

Луцк шаҳрида дзю-до кураши бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Олимпиада резервлари кўриги шиори остида ўтказилган бу мусобақада полвонларимиз муваффақиятли курашдилар. Беллашувда 17 команда, 200 дан ортик спорт мастери иштирок этди. Команда ҳисобида республикамиз курашчилари биринчи ўринни эгаллашди.

З. НАЗАРОВ.

ШАШКА:

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Тошкентда халқаро шашка бўйича эркаклар ўртасида республика чемпионати давом этмоқда. 6-турда халкаро класс-даги спорт мастери С. Давидов муваффакият козонди. У Ю. Югайдан устун келиб, мавкеини мустаҳкамлади. С. Гуляев эса В. Александровни мағлубиятга учратди. Хозир С. Давидов 4,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. С. Гуляев билан А. Блейхерларда 4 тадан очко бор.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● **ОҒИР АТЛЕТИКА.** Москвада СССР кубоги ва мамлакат чемпионлиги учун кураш бошланди. Фарғоналик В. Бағудкий 52 килограмм вазнли полвонлар орасида даст кўтариш бўйича В. Абдураҳимов (РСФСР) билан бир хил — 107,5 килограмм натижа билан 3—4 ўринларни баҳам кўрди.

● **ФУТБОЛ.** Ўтган мавсумнинг энг яхши 33 футболчисининг номи аниқланди. Кучлилар сафида «Пахтакор» командасининг капитани А. Янкубин ҳам бор.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ ТОШКЕНТ БИР ЙИЛЛИК БОҒБОНЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИ

1983 йилга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб колхоз ва совхозлар учун боғдорчилик, узумчилик, пальметта боғлари бўйича малакали кадрлар, цитрус мевалар, гулчиликкга оид мастер-технологлар тайёрлайди.

Боғбонларнинг малакасини оширади ҳамда қўшимча равишда шофёрлик касбига ўргатади.

Мактабга боғдорчилик, узумчилик соҳасида 2 йиллик иш стажи бўлган, 7—10-синф ҳажмида маълумотли шахслар колхоз ва совхоз йўлланмаси билан қабул қилинади.

Ўқишга юборилган колхоз аъзолари ва совхоз ишчи-хизматчиларига иш жойида ўртача ойлик маоши сақланади.

Ўқувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

Мактабга кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат, шаходатнома), ўқишга юборилганлиги ҳақида ишлаб турган хўжалик томонидан берилган йўлланма, соғлиги ҳақида справка (286-форма), учта фотосурат (3х4 см), таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, мактаб директори номига ариза.

ЎҚИШ 3 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тошкент райони, Гулистон қишлоқ Совети (107, 108 автобусларнинг «Сельсовет» бекати).

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/XII да Олифта, 17/XII да Тўйдан олдин томоша, 18/XII да Музикали комедиялардан парчалар.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР халқ артисти Иван РУБАН раҳбарлигидаги ёввойи ҳайвонлар аттрацциони гастроллари (19.30).

●

ЎРТА ОСИЁ ТАБИИЙ ГАЗ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (СредазНИИгаз) вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар ва катта илмий ходимлар: сувни электр химиявий тайёрлаш, олтингугуртни электр химиявий тозалаш, эксперименталь ускуналар.

КОНКУРС МУДДАТИ — 9 январгача.

Мурожаат учун адрес: 700029, Тошкент шаҳри, 29-алоқа бўлими, Т. Шевченко, 2-ўй.

«УЗБЕКГАЗИФИКАЦИЯ» трестининг РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ «УЗБЕКГАЗИФИКАЦИЯ» трестининг ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ деб қайта номланди

Адрес: Тошкент шаҳри, Чашма кўчаси, 1 «а» уй.

Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети аппаратининг раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда медицина ходимларининг касаба союзи республика комитети шу комитет секретари С. Забиҳуллаевага отаси Забиҳулла УБАЙДУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«СоюзНИХИ» коллективи катта илмий ходим, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Абдумутолиб ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекбирлашув» республика улгуржи-савдо базаси коллективи база директори Қ. А. Усмоновга опаси Тожи Аҳмедовна ЖУРАЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горнчилар, қаердасиз! 10.25 — Қадимий водевиль. Кинокомедия. 11.30 — Концерт. 12.00 — Илмий-оммабоп фильм. 12.45 — Л. Липницкий ва А Гур баянчилар дуети чалади. 13.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ўзбекистон телевидениесининг ҳужжатли фильмлари. 16.10 — Поэзия. 17.00 — Телеочерк. 17.45—Духовой оркестр чалади. 18.15—Оддий мўъжизалар. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Биз БАМни қурямиз. 20.00 — Қирғизистон ССР бадиий коллективларининг концерти. 20.25 — Чорраҳада. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.00—«Известия» газетасининг совғини учун хоккей бўйича халқаро турнир. ГФР—СССР. Танаффусда — Дунё воқеалари. 24.00 — Стол тенниси бўйича Европа биринчилиги.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.45 —Табиат шунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 13.40—Испан тили. 11.05 — Н. Г. Чернишевский. Нима қилмоқ керак? 11.35 ва 12.45 —Зоология. 12.00 — Сиз яратган боғ. 12.30 —Илмий-оммабоп фильм 13.10 — География. 14.10 — Карасъ чашмалари. 14.40 —В. Шекспир. Гамлет. 15.30 —Мафтункор бахт юлдузи. Бадиий фильм. 2-серия. 16.45 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Известия» газетасининг совғини учун хоккей бўйича халқаро турнир. ҚССР — Швеция. 2 ва 3-давралар. 20.15 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Хайрли тун кичкинтойлар 20.45 — Хатларингиз асосида. 21.30 — Время. 22.00 — Ўз еринг. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ўзбекистон ССР тарихи. 12.00 — Санъат гунчалари. 12.30 — Ўзбекистон ССР тарихи. 13.00 — Телефильм. 13.10 — Физика. 13.40 — Замандас. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Шоирлар — болаларга. 19.00 — Телефильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Деҳқонлар жасоратини шарафлаймиз. 21.30 — Время. 22.00 — Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз. 23.15 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 17.55 — Адабиёт. 18.25 — Телефильм. 18.40 — Назарий механика. 19.40 — Қайнона. Телефильм. 20.00 — Янгиликлар 20.20 — Немис тили. 20.50 — Тонгдан ойдин. Теленовелла. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек қуйларидан концерт. 9.25 — Москва. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига. 9.50 — Олтмиш йиллик чўққиларидан. 12.10—Ўзбекистон шчисл. 13.00 — Малиш. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Лауреатлар. 18.25 — Лирик қуйлар. 19.25—Фортепьяно пьесалари. 19.40 — Москва. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига. 20.15 — Ёшлик. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 21.30 — Саноат ходимлари учун концерт. 22.30 — З. Обидов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000 Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари—33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; халқ ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 02424. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 287.